

75,58

7-29

у с т а м

НОСИМЖОНОВ-

ЖАҲОН ШАХМАТ ТОҶИ СОҲИБИ



Зоҳир
Тошхўжаев



Ю р т и ф т и х о р л а р и

45.58
18-11


Р у с т а м КОСИМЖОНОВ

ЖАҲОН ШАХМАТ ТОҶИ СОҲИБИ



Зоҳир
Тошхўжаев

5660



Тошкент "Янги аср авлоди" 2013



УЎК: 794.1 (575.1)(092) Қосимжонов

КБК: 75.58 (5Ў3б)

Т-71

Тошхўжаев З. Рустам Қосимжонов – Жаҳон шахмат тожи соҳиби. –Т.: «Янги аср авлоди», 2013. 92 б.

ISBN 978-9943-08-678-4

“Ақл гимнастикаси” дея таърифланган спорт тури бугун анчайин оммалашган. Ўзбекистонлик гроссмейстер Рустам Қосимжоновнинг жаҳон чемпиони бўлиши эса соҳага янада кўпроқ эътибор қаратилишига туртки бўлди, дейиш мумкин. Жаҳон чемпионининг бугунги даражага етгунча босиб ўтган йўли, илк қадамлари ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур рисола ўзбекистонлик мухлисларни, шахматнинг катта-ю кичик ихлосмандларини бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

УЎК: 794.1 (575.1)(092)

КБК: 75.58(5Ў3б)

Таҳрир ҳайъати:

Баҳодир Ганиев, Иқбол Мирзо, Абдуғофир Расулов,
Салим Ашуров, Эркин Абдурахмонов,
Юсуф Жўраев, Анвар Намозов.

ISBN 978-9943-08-678-4

© Зоҳир Тошхўжаев, «Рустам Қосимжонов – Жаҳон шахмат тожи соҳиби». «Янги аср авлоди», 2013 йил

МУНДАРИЖА

“Ҳарт офтихорлари” – юксак марраларга чорлайди	5
Дабоча Урнида	7
Баркамол авлод — юрт таянчи	8

I БЎЛИМ

I ТРИПОЛИДАГИ ТАРИХИЙ ҒАЛАБА – МУЗАФФАР ЭЛНИНГ ҒОЛИБ ФАРЗАНДИ	11
--	----

II. БИГУБОР БОЛАЛИК

Маҳрипянинг ҳикояси	17
Ақл бинда эмас... ..	20
Онла – муқаллас қўрғон	22

III. ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Мустақиллик – улуғ неъмат	25
Президентга мактуб	26
Чемпионлик йўли	28
Шахматдаги вафо	30

IV. ШАХМАТ ТАХТАСИ - ЗАКОВАТ МАЙДОНИ

Шахматдаги энг муҳим ҳислат – сабр	33
Утка шилмаган учрашув тарихи	35
Иштироқчи жаҳон чемпионати	37
Муаммо барҳам топди	39
Аббаснинг чемпионлик жанглари	40
Рустам яна хушнуд этмоқда	42

V. ТОШКЕНТДАГИ ТАРИХИЙ УЧРАШУВ:

ҚОСИМЖОНОВ – АНАНД

Ўртоқлик учрашувида Ананд ғалаба қозонди	45
Винниатан Ананд: Рустам Қосимжонов – юқори салоҳиятли гроссмейстер	46
Қирсан Илломжинов: Ўзбекистон шахмати жадал рини ожланмоқда	49
Бир шахматчиларимиз жаҳон чемпионлари билан беллашди ..	50
Чемпион билан суҳбат	52
Рустам Қосимжоновнинг ютуқлари	60

II БЎЛИМ

I. ШАХМАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

Ҳиндистон шахматнинг ватани	64
Шахмат замонавий спорт тури	65

II. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТЛАРИ ТАРИХИ

Жаҳон чемпионатларининг вужудга келиши	66
ФИДЕ версияси бўйича жаҳон чемпионлари	71
Расмий жаҳон чемпионлари	71

III. РЕКОРДЛАР ВА РАҚАМЛАР

Шахмат оламининг рекордлари	72
Шахмат солномаси	73

III БЎЛИМ

I. ЎЗБЕК ШАХМАТ МАКТАБИ

Замонавий шахмат Ўзбекистонда	76
Георгий Аъзамов – ўзбекистонлик биринчи халқаро гроссмейстер	77
Шахмат мустақиллик йилларида	79

II. РУСТАМ - ҒУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ

<i>Эркин Воҳидов. Суянчиқ</i>	87
<i>Абдулла Орипов. Бирдамлик</i>	88
<i>Ҳабиб Саъдулла. Қойил</i>	88
<i>Жаҳонгир</i>	89
<i>Маҳмуд Тоир. Ўзбекнинг номидан дунё нур олди</i>	90

ИЗОҲЛАР

.....	91
.....	92
.....	93
.....	94
.....	95
.....	96
.....	97
.....	98
.....	99
.....	100

"ЮРТ ИФТИХОРЛАРИ" – ЮКСАК МАРРАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши "Юрт ифтихорлари" рукнида бир туркум китоблар оқиб этишни режалаштирди. Бундан кўзланган мақсад бу вазодни баркамол этиб вояга етказиш, уларни миллий истиқлол ғояси ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, ёш истеъдодларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлаш, ёш йигит-қизларни ҳеч кимдан кам бўлмасликка ундадир. Ҳаётда катта муваффақиятларни қўлга киритган ҳар қандай машҳур инсон ҳам бир вақтлар оддий бола-ўсмир бўлганини, аслида ҳар бир ёш йигит ёки қиз улкан салоҳиятга эга эканлигини, бу салоҳият ва истеъдодлар машаққатли меҳнат, қунт билан ўқиб-ўрганиш ва тинимсиз изланишлар эвазига рўёбга чиқишини бешарга кўрсатиб беришдан иборат.

Бугун Президентимиз томонидан ёшларнинг ўз қизиққан соҳаларини мукаммал эгаллашлари, етук мутахассис ва комил инсон бўлиб камолга етишлари учун барча шароит ва имкониятлар яратиб берилган. Ёшларимиз ҳар қаламда Юртбошимизнинг эътибори ва оталарча ғамхўрлигини ҳис этиб турадилар.

Ватанимиз ифтихори ҳисобланган, ёшларимиз учун ҳар томонлама ўрнак бўладиган, ўз соҳасининг билимдон саналган ёшларни, яъни мустақиллик кашфиётларини ҳалқимизга, хусусан ёшларга танитиш, уларнинг муносиб издошларини тайёрлаш "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳам асосий вазифаларидандир.

"Юрт ифтихорлари" туркумининг биринчи қаҳрамон шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновдир. Унинг шахмат оламидаги ғалабалари, фаолияти,

соҳага қай тариқа кириб келиши ёш шахматчиларни барча-барчани қизиқтириши табиий. Бугунги кунда Рустам Қосимжоновга ҳавас қилиб, унинг йўлини тутган Ватанимиз ва халқимиз номини бутун дунёга яна бир боғ танитишни ўзининг ҳаёт аъмолига айлантирган йигит қизлар оз эмас.

Кейинги китобларимиз ҳам катта орзу-мақсадлар билан яшаётган ёшларимизга ҳар жиҳатдан ўрнак бўла оладиган замонамизнинг ёш қаҳрамонлари ҳақида бўлади. Ўқинг, кузатиб боринг, ҳавас қилинг!

“Юрт ифтихорлари” рукнининг Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ташкил этилиши алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистонимизнинг мустақил давлат сифатида дунёга танилишида, унинг буюк келажagini таъминлашда ёш спортчиларимиз, ёш олимларимиз, ёш санъаткорларимиз, ёш тадбиркорларимиз, шунингдек, бошқа турли соҳаларда фидойилик билан меҳнат қилиб, эл-юртга танилиб бораётган ёшларимизнинг ҳиссаси бениҳоя катта.

Сиз, азиз ўқувчи, ушбу китоблар орқали шундай ёшларимиз билан мунтазам равишда танишиб борасиз.

ДЕБОЧА ЎРНИДА

Шахмат ўш бир ўйин тури, холос. Бекорчига эрмак, лекин бу олтмиш тўрт катакка жонинг буюк ҳикмат неча асрларки, инсониятни ҳайратлантириб келмоқда.

Шахмат ўйини пайдо бўлган замондан бошлаб неча миллион йиллар ўтган бўлса, неча миллион ва миллиард шахмат партияси ўйналган бўлса, ҳали шахмат ўйини бошдан оёқ бир-бирига ўхшаган эмас. Шахмат ўйини ҳар ҳам битмас, тугамасдир.

Тарихда бу ўйиннинг кўп сеҳргарлари ўтган. Лекин шахматда жаҳон чемпиони даражасига етганлар санокчи кўп эмасдир. Буюк Вильгельм Стейницдан бошлаб, Карл Ласкер, Алехин, Ботвинник каби шахмат чавандозлари юз берган, бизнинг замонга келиб Карпов, Крамник, Ананд каби «деву»лар наъра тортиб турган бу майда шохунасига ўн еттинчи бўлиб ўзбек ўғлини Рустам Қосимжонов кўтаришди. У бутун дунёга халқимиз заковатини намойиш қилди. Ўзбекистон номини бу соҳада ҳам дунёга ёйди.

Ўш тадиқодчи Зоҳир Тошхўжаевнинг ушбу рисолада баъднинг тарихининг юлдузли онлари бўлган улуг талабага бағишланган. Мен муаллифга бу эзгу ва хайрли шайи дилом эгтиришда муваффақиятлар тилаб, рисолада муҳтарам ўқувчиларга тавсия қилмоқдаман.

Ўш Ўзбекистонимиз бошида шундай ёрқин кунлар, гуруримизга гурур қўшадиган воқеалар кўпроқ бўлсин.

Эркин ВОҲИДОВ.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири.

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қодирлиги, ақл-заковати, тиришқоқлик борасида бошиқа ўзбек миллат ёки халқдан қолинадиган эсонлик.
И. Каримов

Ўзбекистон – буюк ва муқаддас Ватан. Мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини, ҳаётимизнинг осойишта ва тинч-тотувлигини келажагимиз билан баркамол авлод таъминлайди. Зеро, юртимизда эркин демократик жамият қуриш учун кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган, ҳеч кимдан қўрқмаган, ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, мисли ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган баркамол авлод вояга етмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга иштирокчи бўлмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Фарзандларимизнинг ўз ақл-заковати ва истеъдодини тўла намоён этиши, бугунги ва эртанги кунимизнинг том маънодаги ҳал қилувчи кучига айланиши учун катта куч ва имкониятлар сафарбар қилиниб, улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бундан самарали фойдаланиб, жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб камол топаётган, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида ўз билим ва истеъдодини, куч ва имкониятларини намоён этиб келаётган фарзандларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Мустақиллик йилларида эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқмоқда. Узлуксиз таълимнинг «ўзбек модели» сифати

иштиган ва бугун ўз самарасини бераётган ширин мидлий дастури ўз вақтида узоқни олган оламшумул ишларимизнинг асоси бўлиб қилаётир.

Ўш авлод, деганда аввало соғлом наслни тушундириш ва утган йиллар мобайнида ёшларимизда маънавий интелектуал салоҳият, мустақил фикр, ишларини шакллантиришга, балки уларни жисмоний шакллантиришга, оммавий спортни ривожлантириш ва тарқатишнинг барча ҳудудларида, хусусан, чекларда ҳам замонавий спорт мажмуаларини шакллантиришда алоҳида эътибор қаратилди. Бу жараёнда айни вақтда келажакда ўғил-қизларнинг ҳар томонлама бўлиб-пояга етишига хизмат қилаётган муҳим вазифани

амалга ошириш, мамлакатни дунёга тез танитишда спортнинг беқиссидир. Спорт – мустақиллик йилла-рининг асосий ва халқимиз салоҳиятини жаҳон миқёсига янада кенгроқ танитган соҳалардан бири бўлиб, мамлакатимизда ёш авлод ўртасида жисмоний ва маънавий спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, болалар ва қизлар спортини ривожлантириш масалаларининг тўғри йўлга қўйилгани, юртимизда спорт турлари бўйича жаҳон ва қитъа миқёсига эришган натижалари, нуфузли халқаро турнирларнинг юқори сифатда ташкил этилаётгани ва Ўзбекистон заминидан келган спортчиларнинг йирик мусобақаларда кўрсатган улкан ютуқлари самараси ўлароқ, мамлакатимизда спорт мамлакати сифатида эътироф

қилинган йилларида ўзбекистонликлар ёзги ва қишки олимпиадалар, Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпио-нлиги ва кубоклари каби спорт оламининг энг нуфузли мусобақала-рида кўрсатиб келган қатнашмоқда. Жаҳон спорт ареналарида кўрсатган ютуқлари эришган Миржалол Қосимов, Юсуф Юсуфов, Карим Тўлаганов, Муҳаммадқодир

Абдуллаев, Ўткирбек Ҳайдаров, Баҳодир Султон,
Рустам Саидов, Дилшод Орипов, Абдулла Ташир,
Ирода Тўлаганова, Саида Искандарова, каби мана
спортчиларимиз ғалабаси шарафига кўп бора мамлакатимиз
байроғи баланд кўтарилиб, давлатимиз мадҳи
баралла янграган. Бугунги кунда Элшод Расулов, Аб
бос Атоев, Дилшод Мансуров, Ришод Собиров, Валерий
Меньков, Одил Аҳмедов, Сервер Жеңаров, Денис И
томин, Оқгул Омонмуродова, Антон Фокин, Екатерина
Хилько, Ульяна Трофимова, Азиза Мамажонова каби
истеъдодли ёшларимиз ҳам спортнинг юксак чўққил
рини забт этиб келмоқда.

Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Рустам Қосим
жонов ҳам юртимиз қудрати ва халқимиз салоҳиятини
жаҳонга танитиб келаётган ўзбек ўғлонидир. Рустам
Қосимжоновнинг 2004 йилда Халқаро шахмат федера
цияси (ФИДЕ) томонидан шахмат бўйича ўтказилган
жаҳон чемпионатидаги ғалабаси Ўзбекистон спорти та
рихида энг ёрқин саҳифалардан бири бўлди. Моҳир шах
матчимизнинг бу муваффақияти Ватанимизнинг жаҳон
даги обрў-эътиборини ошириш, мавқеини янада муста
камлаш билан бирга юртимизда вояга етаётган ёш ав
лод ўртасида спортга, жумладан, шахматга бўлган қизи
қишни янада кучайтирди.

Биз ушбу рисоламизда Рустам Қосимжоновнинг ба
лалиги, шахматга бўлган қизиқиши, жаҳон шахмат та
жини қўлга киритиш учун босиб ўтган машаққатли йўли
гроссмейстеримизнинг бугунги кундаги фаолияти ва
шахмат оламидаги қизиқарли маълумотлар ҳақида
тўхталиб ўтишга қарор қилдик.

Муаттар

1 БЎЛИМ

ТРИПОЛИДАГИ ТАРИХИЙ БАЛАБА - МУЗАФФАР УНИНИНГ ГОЛИБ ФАРЗАНДИ

2004 йилининг 14 июль куни дунёдаги кўплаб матбуот нашрларининг биринчи саҳифасида мазкур сарлавҳа ва 14 июль кунининг хотираси ҳақидаги мақола ўзбек ўғлонининг кулиб турган ҳолини тасвирлади. Чунки бир кун олдин Ливия пойтахти Триполи шаҳрида Халқаро шахмат уюшмаси – ФИДЕ шаҳарнинг ҳам ўзлашган шахмат бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Рустам Қосимжонов ва англиялик Майкл Адамс ўрашувидан ҳам қилувчи сўнгги партия қаторидаги оғирликлар ва интернет сайтлари орқали дунё бўйлаб тарқалиб кетган намоёни қилинган эди...

Ливия пойтахти Триполи шаҳрида юқори савияда ташкил топган жаҳон чемпионатида дунёнинг 56 мамлакатидан 118 нафар шахматчи қатнашди. Албатта, шахмат чемпионати ва нуфузли мусобақасига барча қатори Русиядан ҳам узоқ вақт пухта тайёргарлик кўрди.

Жаҳон чемпионати Рустамни энг кучли шахматчилардан рақиб қилди. Жаҳон вице-чемпиони, амалдаги Европа чемпиони украинлик Василий Иванчук, беш карра Жаҳон чемпиони Золтан Алмаши, россиялик Александр Гришчук, болгариялик Веселин Топалов ҳамда британилик Майкл Адамс дунёнинг энг етакчи шахматчилардан ҳисобланади. Айниқса, мазкур шахматчилардан В.Иванчук, А.Гришчук, В.Топалов ва М.Адамс шахмат чемпионати ва нуфузли ҳисобланган «2700» клубига аъзо шартиндордандир. Бу клубга 2700 ва ундан кўп рейтинг баллига эга бўлган шахматчилар киритилади. Шахматчи рейтинг очколарини йиғиш бир неча йил давом этадиган мурраккаб жараёндир. Унга кўра, шахматчининг ҳар бир партиясида қайд этган натижалари рейтинг ошиши ва пасайишига туртки бўлади.

...Триполидаги жаҳон чемпионати арафасида шахмат мутахассислари мусобақа ғолибини асосан Рустамнинг рақиблари орасидан излай бошлади. Уларнинг ҳеч бири Р.Қосимжоновнинг жаҳон чемпионатида зафар қучиниш мумкинлиги кутмаганди ҳам. Лекин бу ҳамюртимизни ортиқча ташвишга солмади. Гроссмейстеримиз секцияста ўз мақсади сари қадам ташларди.

Рустам дастлабки икки учрашувда эронлик Эҳсон Магамий ва коста-рикалик Алехандро Рамирес Алваресни мағлубиятга учратди. Шундан сўнг ўзбекистонлик шахматчи кетма-кет дунёнинг энг кучли шахматчиларини мағлуб эта бошлади. Жаҳон чемпионатида Василий Иванчукка қарши ўтказилган баҳс ўзбекистонлик гроссмейстер учун жуда муҳим аҳамият касб этди. Ўша пайтдаги жаҳон вице-чемпиони ва Европа чемпиони мот қилган Рустамнинг ўйин услуби кўплаб шахмат ихлосмандларида катта таассурот қолдириш билан бирга шахматчимизда ўзига бўлган ишончнинг ортишига сабаб бўлди. Буни Р.Қосимжоновнинг ўзи ҳам эътироф этганди.

Гарчи Рустам чемпионат давомида кучли шахматчилар билан муносиб кураш олиб борган бўлса-да, кўпчилик мухлису мутахассислар фаворит сифатида анча тажрибали шахматчилар – Веселин Топалов, Александр Гришчук, Майкл Адамс каби гроссмейстерлар тимсолида янги жаҳон чемпиони кўрар эди.

Бироқ Рустамга ишонч билдирганлар ҳам оз эмасди. – Мен Александр Гришчук билан ўйнаётганимда Руминия чемпиони Ливюдитер Нисипяну олдимга келиб, “барчани кетма-кет ютаётган Веселин Топаловни фақат сен тўхтата оласан”, деганди. Охир-оқибат унинг гапирост чиқди, – деб эслайди Рустам.

Дарҳақиқат, Рустам финалгача В.Иванчук, А.Гришчук ва В.Топаловни енгиб, асосий учрашувда Майкл Адамсга дуч келганида ҳам аксарият мухлису мутахассислар 24 ёшли ўзбек ўғлонининг сўнгги баҳсга етиб

катгани катта бахт эканини, тарихий беллашувда ёшлик шарафидан кўра, М.Адамснинг кўп йиллик тажрибаси тугун келиши эҳтимоли катталигини таъкидлаганди.

Рустамнинг имкониятларини яхши билган ҳиндистонлик гроссмейстер Вишванатан Ананд эса чемпионлик учун курашда ўзбекистонлик шахматчининг ғалабасини баъшорат қилди. Вишванатан интернет орқали берган интервьюсида «ҳамма Майкл Адамсга жаҳон чемпиони бўлади, деб ўйлаяпти, бу нотўғри, ҳозир имкониятлар тенг. Агар ўзини тақдири тай-брейкка қолса, Рустам ютаниб қолганди. Рустам тўғрисида билдирилган бундай илиқ фикрлар шахматчимизни руҳан тетиклантирди.

Буюк британиялик Майкл Адамсга қарши кечган финалда Рустам нималарга қодирлигини яна бир бор исботлади. Классик шахмат бўйича олти партиядан иборат финал ўйинида томонлар иккитадан ғалаба, дуранг ва мағлубият қайд этишди. Умумий ҳисоб бўйича кучлар тенг келди – 3:3. Мусобақа қондасига кўра, жаҳон чемпиони рапид – тезкор шахмат бўйича «тай-брейк»да аниқланди. Икки партиянинг биринчисида дурангга рози бўлган ҳамюртимиз, кейинги баҳсда тажрибали рақибини боши берк кўчага қамаб қўйди.

...Рустам Қосимжонов бутун ўзбек халқини, бутун дунё бўйича ўзбекистонлик шахматчи ғалабасини тилаганларнинг ишончини оқлаб, жаҳон шахмат тожини кийди.

2004 йил 13 июлни тарихий сана сифатида нафақат бугунги авлод, балки биздан кейин озод ва обод Ватанимиз сарҳадларида умргузаронлик қиладиган неча-неча авлодларимиз ҳам фахр туйғуси билан нишонлаши тайин. Зеро, шу кунга ўзбек шахматчиси Рустам Қосимжонов ва ана шундай кучли шахматчини вояга етказган Ўзбекистон номи яна бир бор дунёга дoston бўлди.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий 9 ёшида битган байти билан шеърят мулкининг бўлғуси султони эканини аён этгани ёки Заҳириддин Муҳаммад Бобур 12

ёшида салтанат тожини кийгани каби 10 ёшида Ўзбекистон чемпиони. 15 ёшида Осиё қитъаси чемпиони тимсолида ўзини кўрсатган Рустам Қосимжонов бу гал – 24 ёшида ўз билими ва иқтидори билан курраи заминни лол қолдирди.

Рустам ноёб истеъдод соҳиби сифатида миллатдошларимиз орасида ҳали ҳеч ким эришмаган юксак аъмол – шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. Агар шахмат оламининг энг нуфузли мусобақаси – жаҳон чемпионати XIX асрдан буён ўтказилаётганини ва ана шу узоқ даврда бу беллашувларда юртимиз ўғлонига қадар атиги 16 нафар хорижлик шахматчи жаҳон тожини қўлга кирита олганини назарда тутадиган бўлсак, Рустам Қосимжонов нафақат Ўзбекистоннинг, аини чоғда олти миллиарддан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган она сайёрамизнинг ардоқли ва омадли чемпиони экани ойдинлашади.

Холисона айтганда, не-не буюк зотлар учун муқаддас бешик бўлган қадимий заминимизда – айнан ўзбек диёрида туғилиб, камол топган Рустам Қосимжоновнинг жаҳон шахмат тожини қўлга киритгани тасодифий ҳол эмас. Бу музаффарият, аввало, она юртимизда азалдан мавжуд маданий муҳит, юксак тафаккур мактабининг мантиқий ҳосиласидир. Шунинг баробарида, бундай олиймақом натижа истиқлол йилларида ёш авлоднинг ҳар томонлама камолга етиши йўлида барча шарт-шароит ва қулайликлар муҳайё этилганининг яққол самарасидир.

Рустам Қосимжонов ушбу ғалабаси билан ўзининг Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний каби неча-неча буюк сиймоларимизга муносиб ворис эканини кўрсатди. Бу воқелик тимсолида юксак ақл-заковат, мустаҳкам ирода ва шижоат соҳиблари бой тарих ва бетакрор маданиятга, теран маънавий илдизларга эга, ўз аждодларининг беқиёс меросини асраб-авайлаш, муносиб даражада ривож-

қаттиришига интилиб яшаётган халқ орасидан етишиб
иқдидондек муқаррар ҳақиқат яна бир бор ўз исботини
топиш.

Ҳа, ҳамюртимиз, музаффар ўзбек ўғлони жаҳон шах-
мат тожини кийди ва унинг бу ютуғи том маънода милли-
онларнинг улкан ғалабаси, озод диёр фарзандининг ўзини
қамолга етказган эл-юртига муносиб эҳтироми ифода-
си шир.

Шу ўринда шахмат тожи хусусида тўхталиб ўтиши-
ни ўринлидир.

Жаҳон шахмат тожи – бу тож учун энг зўр шахматчи-
лар 1886 йилдан буён ўтказилиб келинаётган жаҳон чем-
пионатида курашадилар. Бу тожга биринчи бўлиб авст-
риялик Вильгельм Стейниц сазовор бўлган. Ҳамюрти-
миз Рустам Қосимжоновгача жаҳон шахмат тожига
Эмануил Ласкер, Хосе Капабланка, Александр Алёхин,
Макс Эйве, Михаил Ботвинник, Василий Смирнов, Ми-
хаил Таль, Тигран Петросян, Борис Спасский, Бобби
Фишер, Анатолий Карпов, Гарри Каспаров, Владимир
Крамник, Александр Халифман, Вишванатан Ананд ва
Рустам Пономарёв эгалик қилган.

Жаҳон чемпиони, деган ном спорт оламида энг олий
унвондир. Футбол, бокс, шахмат каби миллионлаб мух-
лислар кўнглидан жой олган энг оммавий спорт турлари
бўйича эришилган улкан натижалар ҳақидаги хуш ха-
барлар бутун дунёга бир зумда тарқалиши маълум. Минг
инилар муқаддам пайдо бўлган шахматнинг бошқа маш-
ҳур ўйинлардан фарқи шундаки, мазкур спорт тури бўйи-
ча жаҳон чемпиони бўлиш башарият тарихида саноқли
кишиларгагина насиб қилган. Рустам эса ана шундай
юксак чўққини забт эта олган кам сонли шахматчилар-
дан. «Рустам Қосимжонов – шахмат бўйича жаҳон чем-
пиони» деган сўз зарҳал ҳарфлар билан спорт ва шах-
мат тарихи саҳифаларига абадий муҳрланган.

Рустам Қосимжоновнинг тарихий ғалабаси Ватанида
ҳам муносиб тақдирланди. Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ислам Каримовнинг 2004 йил 14 июлдаги Фармонида биноан Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпионатида ғолибликни қўлга киритиб, халқимизга хос юксак интеллектуал салоҳият, мардлик ва жасорат намунасини амалда намоён этгани, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, шуҳратини бутун дунёга тараннум этишга қўшган улкан ҳиссаси учун Амир Темур ордени билан мукофотланди.

II. БЕҒУБОР БОЛАЛИК


МЕҲРИ АЯНИНГ ҲИКОЯСИ

Аббатга, ҳар доим машҳур кишилар ҳаёти, уларнинг қисмати, оиласи, қизиқиш ва интилишлари, орзу ва мақсадлари кенг жамоатчиликни қизиқтириб келган. Рустам Қосимжонов ҳам бирданига кучли шахматчи ва чемпион бўлиб қолгани йўқ. Унинг ҳам беғубор болалиги, ўша йилларда қалбига туккан ниятлари ва келажак учун орзу-интилишлари мўл бўлган.

Рустам Қосимжонов 1979 йилнинг 5 декабрида Тошкент шаҳрида туғилди. Жажжи Рустамнинг шахматга қизиқиши кўйишида оиласининг ҳиссаси катта бўлди. Рустамнинг онаси Меҳрихон опа ўғлининг болалигини шунингдек эслайди:

– Рустам гўдаклигида серхархаша бола бўлган. Лекин 2,5-3 ёшга кирганида мозаика, конструктор каби ойна ва сабр талаб қиладиган ўйинларни ўйнаб ўтирарди. Бу пайтга келиб анча эси кирган, инжиқликларни камайиб, мўминқобил болага айланди ва у ёғига мени қўйишга шайнамади. Рустам ҳам ҳамма каби оддий бола бўлган. Маҳалладаги ўртоқлари билан кўчада тўп тепарди, велосипед минарди, беркинмачоқ ўйнарди. Унинг энг қизиқгани кўрган машғулоти – дарахтга чиқиш эди. У пайтлардаги ҳовлимизда каттагина тут, ўрик да рахтлари бўларди. Рустам ўша дарахтларнинг тепасига бир пасда чиқиб оларди. Мен эса қайтиб тушгунча юрагимни қўвучлаб ўтирардим.

Ўғлим болалигида ҳисоб-китобга қизиқиши ҳам эсимдан қолган. У ҳаммамизнинг ёшимизни сўраб, ким-кимдан кимча ёш катталиги, маълум миқдордаги пул ой охирига-гача егиши учун ҳар кун қанчадан сарф қилишини қари-қари билан масалаларни ўзича ҳал қилиб юрарди.



Шахматга бўлган қизиқиш Рустамнинг қонидан келиб чиққан. Чунки унинг амаки ва тоғалари, раҳматли отаси ва бировий йиғинларда, борди-келди вақтида ва бўш пайтларида шахмат ўйнашни хуш кўришарди. Рустамга шундай ўйнашни акаси Хуршид ўргатган. Хуршид дона суғурни беш-олти ёшлигида адаси Машруқжон Қосимжондан ўрганиб олган экан. Мен бундан анча кейин билмаман. Шахматнинг дастлабки сир-асрорларини ўрганиб олган Рустам шу ўйинга жуда қизиқиб қолди. Бу маъна хавотирга соларди. Мен шахматни ўта жиддий ўйин деб қабул қилганим учун ёш болага оғирлик қилади. Рустамнинг қизиқишини оддий ҳавас, ўтиб кетади, деб ўйиниб кетканман.

Рустам биринчи синфда ўқиб юрган кезлари шахмат мураббийи Александр Грушевский 76-мактабга келиб шахматга қизиққан иқтидорли болаларни танлаб олади. Ўшанда А.Грушевский болаларга ёзги таътил давомида шуғулланиш учун шахмат тахтасини ўрганиб, айрим масалаларни ечиб келишни топширган экан. Ўшанда устозим Рустамга Журавлёвнинг «Шаг-за шагом» шахмат китобини берган. Ҳисоб-китоб ва шахматга қизиқувчи Рустам мураббий берган барча масалаларнинг жавобини топиб, кузда ўқиш бошланганида устозига кўрсатди. Мураббий бундай натижани кутмаганди. У шахматнинг мураккаб масалаларини ечган биринчи синф ўқувчисидаги салоҳиятни, иқтидорни ўз вақтида пайқаб олди. Рустамнинг келажаги порлоқ эканига чин дилдан ишонди. Ёш иқтидор эгасига бўлган ихлоси ошди.

Рустам иккинчи синфда ўқишни бошлаганида 76-мактабдаги шахмат тўғараги ёпилди. Александр Васильевич Грушевский эса Меҳри опага учраб, Рустам билан жиддий шуғулланиш нияти борлигини айтди. Бироқ, ўшанга пайтлар илмий иш қилиш пайида бўлган, аёл боши билан оила тебратаётган Меҳри опа мураббийга шароитни тушунтириб, ўғлининг шахмат билан жиддий шуғулланишига розилик бермади.

Александр Васильевич, мендан ўғлимни 41-мактаб
да фаолият кўрсатаётган 15-болалар спорт макта-
бига олиб, Рустамни шахмат билан жиддий шуғулла-
рига рухсат сўраганида аввалига рози бўлмагандим.
Ўғлимни машғулотларга ўз вақтида олиб бориш-
маканини етмаслигини билардим. Қолаверса, менда бош-
тадан синф ўқувчисига шахмат билан мутазам шуғул-
ланиш оғирлик қилади, деган фикр ҳам йўқ эмасди.

Ўғлим Александр Грушевский таътил давомида берил-
ган ташқиқлар 2-3 йиллик дастур эканини. Рустам ўша
кўрсаткичларни икки-уч ой ичида ечиб келганини, бу ҳам-
ма нарса ҳам қўлимдан келармаслигини айтди. Александр
Васильевич «ўғлингизнинг хотираси жуда кучли, Гарри
Каспаров ҳам болалигидан шунақа кучли хотирага эга
экан», деб гапира туриб олди. Ниҳоят, А.Грушевский
олиб, Рустамни машғулотларга олиб кетиши ва кейин
ушунга танилаб қўйишга ваъда бериб, мени кўндирди.

Шундан Рустам шахмат билан жиддий шуғуллана бош-
лади. Ҳеч қисимдан чиқмайди. Ёз ойлари эди. Рустам ке-
часи билан шахмат масалаларини ечадиган одат чиқар-
ди. Ҳали ёш бола бўлгани учун бу ўғлимга зўрлик қила-
ди, деб унга кечаси шахмат билан шуғулланишни тақиқ-
лаб, кечқурун дам оласан, шахматни кундузи ўйнайсан,
дедим. Бир куни кечаси Рустам ётоғида устига чойшаб-
ни олиб, шахмат ўйнаётганини кўриб қолдим, бош-
тадан бир гал эса эрталаб уйғонсам ўғлим барвақт туриб
шахмат доналарини сураётган экан. Бундан тўлқинла-
ниб кетдим, ўғлимни шахматга бўлган иштиёқини ич-
киримдан ҳис қилдим ва Рустамга қўлимдан келганича
қўлим бера бошладим.

– Ойлам шахмат билан шуғулланишим учун доимо
шарт-шароит яратиб берган. – дейди Рустам
Қосимжонов. – Ҳатто болалигимда машғулотларга ўзим
боролмаган пайтларда Хуршид акам мени кузатиб
келди. Кейин бошқа шаҳарларга мусобақага йўл ол-
сам, ойим вақтини қизғанмасдан, ишдан жавоб олиб.

мен билан бирга борардилар. Шундай мусобақалардан бири 1990 йили кузда Олмаота шаҳрида ўтказилган ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги Бутуниттифоқ шахмат турнири ва яна бири 1991 йилдаги Ленинград ёшгача бўлган болалар ўртасидаги мусобақа эди. Яна майман, баъзан омад келмасдан ёки қутилмаган мусобақаларда биятлар алаmidан тушкунликка ҳам берилиб кетган мусобақаларим бўлган. Шунда оилам, мураббийларим Александр Грушевский ва Сергей Пинчук ҳамда ёру-дўстларим ёрдами теккан.

Рустам ўқувчилик чоғиданоқ шахмат билан жиддий шуғулланган бўлса-да, ўқув жараёнига, дарсларни ўқитувчиларнинг топшириғи, уй вазифаларини бажаришга жиддий қараган. Онасининг айтишича, Рустам адабиёт фанини мароқ билан ўқиган, дарсликлардаги мавзуларни тўлиқ ўзлаштирган, кўплаб шеърларини ёзган. У географияни яхши биларди. Айниқса, давлатларнинг пойтахти, аҳолисининг сони, қайси минтақада жойлашгани каби маълумотларни эсда сақлаб қоларди. Бадний китоблар ўқишга, хорижий тилларни мустақил ўрганишга интиларди.

Буни қарангки, болалигида ўрганган билимлари уни умр бўйи асқотмоқда. Шахматнинг орқасидан дунё кўз япти, ўқувчилигида харитада кўрган мамлакатларни сафар қилипти, қунг билан ўрганган хорижий тилларни равон суҳбатлашяпти. Халқимиз билиб айтган экан «бола бошидан маълум», деб.

АҚЛ ЁШДА ЭМАС...

Шахматнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у ёш танламайди. Ҳаётда шахмат ихлосмандлари бўлган катта одамлар фарзанди тенги болаларга ютқазиб қўйганига кўп бор гувоҳи бўлганмиз. Меҳри опа Рустамнинг болалигини эслар экан бир қизиқарли воқеани айтиб берди:

Рустам ўртоқлари билан велосипед миниш учун ўртага чиққанди. Бир пайт уйга хафа бўлиб келди. Сабобини билсам, маҳалла гузарида икки киши шахмат ўйнаётган экан, уларнинг ўйинини кузатиб турган Рустам тасовалланган кишига бориб, қайси донани юришни сўради. Ютқазини арафасида турган кишининг фиғонга фотакка чиқиб, Рустамга «бор-э, ўзинг ёш бола эмассан, буни шахмат дейдилар, сени ақлинг етарми?» деган экан. Рустам ёш бола эмасми, уйга келиб, «буни унга қандай ютишни айтсам уришиб берди, деб роса хафа бўлганди.

Балалигидан шахматга ошно тутинган Рустам ўз кунларида анча эрта намоёиш қилди. У 1990 йили 18 ёшга бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида иштирок этиш учун танловдан муваффақиятли ўтиб, мусобақага йўлланма олди. Биринчиликка асосан Хуршид билан бирга қатнашди.

Рустамнинг мураббийи Александр Грушевский анча тавқайиб қолгани учун улар билан бирга бормаганди. Меҳри она эса айнан мусобақа бўлаётган кунлари диссертациясини ёқлаётгани боис ўғилларига ҳамроҳлик қилолмади.

– Диссертацияни ёқлаб бўлишим билан ўғилларимдан хабар олиш учун Янгиободга бордим, – деб эслайди Меҳри она. – Келишим билан кенжа ўғлим биринчи ўринга кетаётганини айтишди. Биринчиликда илк маротаба қатнашган 11 ёшли Рустам уйга мамлакат чемпиони бўлиб қайтди. Мутахассислар боламнинг ғалабаси тасодиф эмаслигини айтиб, унга жиддий эътибор бера бошланди.

Шундан сўнг, Рустамни мамлакат ташқарисида бўлган мусобақаларга таклиф этишди. Ўша пайтда Ашхобод, Олмаота, Ленинград шаҳарларида бўлган мусобақаларда муваффақиятли қатнашди. Ўша пайтларда қатор мусобақаларда иштирок этган Рустам Қосимжонов секин-аста шахмат устасига айланиб борарди.

ОИЛА – МУҚАДДАС ҚУРҒОН

Рустамнинг кучли шахматчи бўлиб етишида оиланинг ўрни бекиёс. Чунки онаси Меҳри опа ва акаси Хуршид Рустамнинг шахмат билан чалғимай шуғулланиши учун ҳаёт ташвишларининг барчасини ўз зиммаларини олишган. Улар ёш шахматчини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, унинг фақат шахмат ҳақида бош қотиришига имкон яратиб беришган. Буни Рустамнинг ўзи ҳам кўп мартаба таъкидлаган. Лекин Рустамнинг шахмат оламида қўлга киритган оламшумул ғалабаларидан отаси Машруқжон Қосимжоновнинг баҳраманд бўла олмаслигини шахматчимиз қалбидаги энг катта армон бўлса керак. Бироқ Рустамдаги улкан интеллектуал салоҳиятига марҳум физик олим Машруқжон Қосимжоновдан ўтгани аниқ.

– Рустамнинг акаси Хуршид ва опаси Умида адасини яхши эслайди. – дейди Меҳрихон ая Қосимжонова. – Отаси вафот этганида Рустам эндигина бир ёшдан ўтган эди. Мен доимо фарзандларимга Машруқжон аканинг энг яхши хислатлари, фазилатларини гапириб бераман, болаларимни отасидек илм-маърифатли, олижаноб инсон бўлишга чақираман. Икки ўғлим ва бир қизим ўз соҳалари бўйича Ватанимиз равнақи учун хизмат қилмоқда. Машруқжон ака ҳаёт бўлганида бундан фахрланарди.

Раҳматли Машруқжон Қосимжонов 39 ёшида вафот этди. У қисқа умр кўрганига қарамай, физиканинг энг мураккаб қисми – назарий физика бўйича кўп ишларни амалга оширди. Ўзбекистон Миллий университети физика факультетида Машруқжон Қосимжонов номидаги кутубхона фаолияти йўлга қўйилган.

Марҳум олим Машруқжон аканинг катта фарзандлари Хуршид ва Умида отаси изидан бориб физика соҳасини танлади. Ўзбекистон Миллий университетининг физика факультетида ўқиди. Лекин Хуршид Қосимжо-

У ҳам шахмат сир-асрорларидан яхшигина хабардор. Шахмат бўйича Тошкент шахри чемпиони, спорт усталига номзод бўлган. Рустам ҳам оилавий анъанага эришиб қолиб ЎзМУнинг механика-математика факультетини компьютар технологиялари мутахассислиги бўйича олий маълумотни олди. Рустам шахмат бобида юксак чўққини забт этиб, жаҳон чемпионлигига эришди. Албатта, Қосимжоновлар оиласидаги фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол, элу-юрт равнақи учун хизмат қиладиган ва ватани корига ярайдиган инсонлар бўлиб вояга етишида Меҳри ая Қосимжонованинг хизматлари чексиздир. Ана шундай меҳрибон она тарбиясини олган Рустам Қосимжонов бугун ўз оиласи бошида.

2001 йили Ферузахон билан турмуш қурган Рустам ҳамки нафар ўғилни тарбияламоқда. Феруза Рустамнинг шахмат билан шуғуллуниши учун барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилади. Болаларнинг тарбияси, ўқиши турли машғулотлар билан шуғулланишига алоҳида эътибор қаратади.

Рафиқам Феруза менад ҳеч қандай кўмагини кўрмайди, – дейди Рустам. – Чунки у ҳам спортчи бўлган. Бадний гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпионатида қатнашиб чиққан, жаҳон чемпионатида қатнашган. Ҳар қандай вазиятда мени яхши тушунади. Катта ўғлимизга Феруза Озар деб исм қўйган. Кўпчилик бу исмни қаердан топгансизлар, деб сурайди. Феруза Фирдавсийнинг «Рустам ва Сухроб» деган достонида учратган экан бу исмни.

8 ёшли Озаржон отаси сингари шахматга жиддий қизиқади. Меҳрихон аянинг айтишича, Озаржоннинг шахмат ўйнашини кўрганлар у ҳам отаси сингари катта салоҳиятга эга эканини таъкидлашган экан. 2007 йилда Рустам она бир ўғилли бўлди. Унга яхши ният билан Ансоржон деб исм қўйишди.

– Оила мен учун ҳаётимдаги энг қадрли ва муқаддас кўргон, – дейди Рустам Қосимжонов. – Фарзандларим ҳали жуда ёш. Шунинг учун ҳам мен шахматдан бўш пайтларимни асосан улар билан бирга ўтказишни хуш кўрман. Фарзандларимнинг доимо соғлом бўлишини, бахтёр ҳаёт кечиришини истайман.

III. ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

МУСТАҚИЛЛИК – УЛУҒ НЕЪМАТ

1991 йили Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик декларацияси қабул қилиниши кўплаб соҳалар вакиллари каби спортчи сифатида шаклланаётган Рустам Қосимжоновга ҳам каттаро майдонда ўзини кўрсатиш имконини берди. Камолот сари қадам қўяётган Рустам хориждаги мусобақаларда Мустақил давлат шарафини ҳимоя қилишини нагидан хис қиларди. дунё харитасида Ўзбекистон номи билан жўй-олган мамлакатни жаҳонга танитишда ўз хиссасини қўшишни истарди.

1994 йилда 15 ёшли Рустам халқаро майдондаги илк катта олимпиадани одимини ташлади. Қатар пойтахти Дохада ўтказилган Осиё чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, қитъа чемпиони, янги нуфузли унвонни қўлга киритди. Унинг бу ғалабаси шахмат оламида янги юлдуз порлай бошлаганидан шубҳасиз эди. Ёш шахматчимизнинг дастлабки муваффақиятини юқори баҳолаган Президентимиз унга замонавий компьютер ва 300 мингдан зиёд энг сара ўйинларнинг ёзилган кассета совға қилди.

– Мен эса ўша кезлари Юртбошимизнинг совғасини олганимда беҳад қувонганман, – дейди Рустам. – Чунки ўша пайтлари кўпчиликда шахсий компьютер йўқ эди. Хориждаги турнирларда иштирок этганимда моҳир шахматчилар мусобақаларга компьютерда тайёрланишини кўриб, шахсий компьютерим бўлишини орзу қилганим. Компьютер шахматчи учун жуда катта фойда беради. Илгари бирор машҳур шахматчининг ўйинларини китобларда ўқиш мумкин эди. Бунга кўп вақт кетарди. Компьютерда бўлса, кўплаб шахмат беллашувларини, партияларни, ўйинларни топиш, кузатиш, ўрганиш, таҳлил қилиш мумкин.

Ҳа, ўз вақтида кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик навқирон Рустам Қосимжоновнинг келажақдаги ғалаба-лариغا замин яратди. У 1994 йили Венгриянинг Сегед шаҳрида жаҳон биринчилигида иштирок этиб, бронза медалга сазовор бўлди. 1995 йили Бразилияда бўлган жаҳон биринчилигида яна бронза медалга сазовор бўлди. 1996 йили Осиё чемпионатида терма жамоамиз таркибида ўйнаб, вакилларимизнинг ғалабасига улкан ҳисса қўшди. 1997 йили Ўзбекистон чемпионатида зафар кучли ва шу йилнинг ўзида халқаро гроссмейстер талабни бажарди.

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

Юртимизда ёш авлод вакилларининг қайси соҳа бўлишидан қатъий назар ҳеч бир ютуғи Президентимиз ва халқимиз эътиборидан четда қолмайди. Ўз навбатида, мамлакатимиз ёшлари ҳам ҳаётнинг турли жабҳаларида эришаётган улкан натижалари ва муваффақиятлари замирида аввало ана шу эътибор ва ғамхўрлик ифодасини кўрадилар.

Рустам Қосимжоновнинг халқаро гроссмейстер меъ-рини бажаргани ҳам юртимизда муносиб қарши олинди. Ватанимиз обрўсини, шон-шухрати ва шарафини юксалтириш йўлидаги катта хизматлари ҳамда жаҳон миқёси-да эришган улкан ютуқлари учун шахмат бўйича халқаро гроссмейстер Рустам Машруқович Қосимжонов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1997 йил 2 октябрдаги Фармониға мувофиқ “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони билан тақдирланади.

Бундай юксак эътибор ва эътирофдан руҳланган ёш гроссмейстеримиз Юртбошимизга миннатдорлик макту-би йўллади. У 1997 йилнинг 3 октябрида Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти Ислом Каримовға ёзган макту-бида шундай деган эди:

«Ассалому алайкум!

Мухтарам Ислоҳ Абдуғаниевич!

Мен бугун ниҳоятда хурсандман. Хурсандлигимни Сиз билан - менга илк бор ҳомийлик қилиб, оқ фотиҳа берган азиз зот билан баҳам кўришини истадим. Қувонганимнинг сабаби, аввало, Сизга берган ваъдамни бажари олмаганимдир. Халқаро шахмат федерациясининг 18-Конгрессида менга «Шахмат бўйича халқаро гроссмейстер» унвони берилганлиги ҳақида хушхабар келди.

1994 йилда биринчи марта ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бўлганимда менга маҳоратингни оширгин, деб компьютер тақдим қилган эдингиз. Шунда мен спорт турмушига помзод эдим. Совангиздан ҳаяжонга тушиб, Худо хоҳласа, «Шахмат бўйича халқаро гроссмейстер» унвонини оламан, дея ваъда бергандим. Орадан 14 йил ўтди. Шу давр мобайнида мен ўша компьютер ёрдамида буюк шахматчиларнинг ўйин услубларини, тажрибаларини ўрганиб, 1994 йили Венгрияда, 1995 йили Бразилияда бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида икки бор бронза медални, 1996 йили Макаода 20 ёшгача бўлганлар ўртасидаги Осиё чемпионатида 2-ўринни, 1997 йили Бирлашган Араб Амирликларида катта ёшлиларнинг Осиё командалар чемпионатида голибликни, 1996 йили Голландияда, 1997 йили Франциядаги турнирларда шерикликда 1-ўринни, 1997 йил Франциянинг Тулуз шаҳридаги гроссмейстерлар турнирида голибликни ва, ниҳоят, шу йил қадрдон шахрим Тошкентда катталар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида чемпионликни қўлга киритдим.

Яна шу давр ичида Тошкент давлат университети-нинг математика факультетида ўқишга кирдим. Ҳозир учинчи курсда ўқияпман. Инглиз тилини мукаммал ўрганишим ҳамда мураккаб программаларни ўзлаштиришимда Сиз тақдим этган компьютер яна катта ёрдам берапти.

Нокалтарлик бўлса-да, Сизга айтганини лозим тинчлик билан, шаҳонининг 20 ёшигача бўлган энг кучли шахматчилар ўнгалиги рўйхатида менинг ҳам ўзбекча исми билан ва азиз Ватаним – Ўзбекистон номлари қайд этилган. Мана энди халқаро гроссмейстерлик унвонини олдим. Бу унвонга 18 ёшигача сазовор бўлганлар жаҳон шахмат тарихида 5 киши экан.

Очиги, мустақиллик бўлмаса, мен қаерда эдим, халқаро турнирлар, компьютерда жаҳон шахмати сазоворларини ўрганиши қаерда эди. Ана шу имкониятни яратганингиз учун, Мустақилликнинг Ватанимизга абадий яшаши учун, муқаддас Ўзбекистон байрогининг жаҳоннинг энг буюк шаҳарлари узра кўтарилмоғи, Маданиятимизнинг дунё осмони бўйлаб янграши учун буюк куч-қувватимни бағишлайман, деб ўз-ўзимга сўз бердим.

Сиз ҳаммиша, ҳамма ерда ота-боболаримизнинг келиши бўлганини ёдда тутинглар, дейсиз. Уларга муносиб амаллар қилишнинг лозими бўлган. Қадимда шахмат санъатининг энг гуллаб-яшнаган ўлкаларидан бири бизнинг Ватанимиз бўлган. Сизнинг спортга, шу жумлалан, шахмат ва шахматчиларга кўрсатаётган галмўрлигинингизга жавобан бундан сўнг бутун гайратимни катталар ўртасида жаҳон чемпиони бўлиши учун курашига қаратмоқчиман. Истардимки, мен туфайли ҳам мустақил Ўзбекистон номи дунё бўйлаб яна бир карра жарангласин.

Сизга чексиз миннатдорлик билан ўглингиз
Рустам ҚОСИМЖОНОВ».

ЧЕМПИОНЛИК ЙЎЛИ

Рустам Юртбошимизга илк мактубини йўллаганида ҳали ўн тўққизга ҳам кирмаган эди. У ёш бўлишига қарамай, ўз олдига жиддий мақсадни қўйди. Энди навқирон шахматчимиз олдида жаҳон чемпионлигига эришиши учун

синаб ўтилиши лозим бўлган мураккаб ва машаққатли бўлишига эътибор берилди. Рустам ҳам жаҳон чемпионлиги учун курашганда сўз берганида шахмат каби мураккаб спорт турини жаҳон тожиги эга чиқиш ҳар кимга ҳам насиб этаётганини яхши тушунарди. Лекин унда ўзига бўлган имонини юқори мақсадлар учун интилиш иштиёқини шакллантирган эди.

Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕнинг 1997 йили 68-Конгрессида Рустам Қосимжоновга халқаро гроссмейстер унвони берилиши ҳамюртимизнинг нуфузи юқори бўлган мусобақаларда қатнишиши учун кенг имкониятларни очиб берди. Ўз навбатида шахматчимизнинг халқаро аренаalarda қўлга киритаётган ютуқлари сони ва сатмиғи янада ошди. Жумладан, ёш гроссмейстерининг 1998 йили Эрон пойтахти Теҳронда ўтказилган I Осиё чемпионатида барча рақобатчиларини ортда қолдириб, чемпионлиқни қўлга киритди. Ўша йили Қозоғистоннинг Остона шаҳрида жаҳон чемпионатининг минтақавий мусобақасида биринчи ўринни эгаллади. 2000 йил ҳам Рустам учун омадли келди. У Ўзбекистон чемпионати ва Наманганда ўтказилган жаҳон чемпионатининг минтақавий мусобақасида зафар кучди.

Рустам жаҳон чемпионатларида муваффақиятли қатнашини имконияга эга бўлиши учун мунгазам равишда кучли шахматчиларга қарши дона суриши, уларнинг имкониятларини ўрганиши, юқори категорияли турнирларда тажрибаси ва маҳоратини ошириши, муҳим рейтинг очколарини тўплаб бориши лозим эди. Шу мақсадда, шахматчимиз ёш бўлишига қарамай ўз кучини хорижий мамлакат чемпионатида синаб кўришга аҳд қилди. Рустамнинг Германияга бориши унинг фаолиятида янги сатҳга очди. У Германиянинг «Золинген» клуби таркибидан дона сура бошлади. Энди унда етакчи гроссмейстерларга қарши дона суриш имкони бор эди. Бундан унумли фойдаланган ҳамюртимиз Европа мамлакатларидаги кўплаб турнирларда қатнашди, мусобақаларда ғолиб ва

совриндор бўлиш баробарида рейтинг очколарини ҳам мунтазам ошириб борди.

Шахматнинг мураккаб оламида шахматчилар мавқеини белгиловчи мезон – Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) томонидан эълон қилинадиган рейтинг жадвали бор. Ана шу жадвалда 2700 ва ундан кўп очко жамлаган шахматчилар доимо мухлису мутахассислар эътиборида бўлади. Шахматда рейтинг очкосини тўплаш мисқоллаб олтин йиғиш каби мураккаб. Шунинг учун ҳам фаолияти давомида 2700 дан кўп очко тўплашга муваффақ бўлганлар энг сара гроссмейстерлар сифатида эътироф этилади.

Рустам Қосимжонов энг моҳир шахматчиларни ажратиб турадиган чегара – 2700 очкони 2001 йилнинг июнь ойида, яъни 21 ёшлигидаёқ тўплаган эди. Бу борада унга Германиянинг бундеслигасида ўтказган учрашувлари кўл келди. Ўшанда Рустам деярли барча рақибларини кетма-кет мағлубиятга учратганди.

Шундай қилиб, йиллар ўтган сари Рустамнинг ҳам шахматчи сифатида маҳорати ошиб борди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўтказилган турнирлар, чемпионатлар, шахмат фестивалларида дона сурди. Кўп бор ғалабалар қувончидан баҳра олди. Ўз навбатида аламли мағлубиятлар ҳам бўлди. Бора-бора Рустам Қосимжоновнинг номи ҳам етакчи шахматчилар қаторида зикр этила бошланди.

ВАЪДАГА ВАФО

Мард йигит ҳар қандай вазиятда сўзининг устидан чиқади, деганларидек Рустам Қосимжонов орадан етти йил ўтиб, Президентимизга йўллаган мактубида берган ваъдаси – катталар ўртасида жаҳон чемпион бўлиш ва жаҳон узра мустақил Ўзбекистон байроғини сарбаланд этиб, давлатимиз мадҳиясини дунё осмонида баралла янгратишни удалади.

2004 йили жаҳон шахмат тожини қўлга киритган Рустам Қосимжоновни чемпионлик унвони билан биринчи ўлиб Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов табриклади. Қуйида айнан ўша табрик мактубини келтиришни жоиз деб билдик:

«Шахмат бўйича жаҳон чемпиони, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжоновга

*Қадрли Рустамжон ўғлим!
Сени авваламбор шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлган юксак унвонни қўлга киритганинг билан чин қалбидан самимий муборакбод этаман.*

Сен эришган бу беқиёс галаба мамлакатимиздаги барча шахмат мухлислари, спорт жамоатчилиги, бутун халқимизга чексиз қувонч ва гурур-ифтихор бағишлайди.

Бу нечоғлик улкан ютуқ эканини, дунёнинг манаман бўлган шахматчилари орасида биринчи бўлиши осон бўлмаганини барчамиз яхши англаймиз.

Ўзининг бетакрор тарихи ва маданияти, ақл-заковати билан асрлар давомида инсониятни ҳайратга солиб келган халқимизнинг юксак тафаккури ва интеллектуал салоҳияти мана шу галаба тимсолида яна бир бор ёрқин намойён бўлди, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Миллатимиз, халқимиз кўндан буён орзу қилган мана шундай шуқуҳли кунларга, мана шундай буюк зафарга етказгани учун барчамиз аввало Яратганга ҳар қанча шукрона айтсак арзийди.

Сендек билимли, мард ва иродали ўғлонни вояга етказган ота-онанг, оила аъзоларинг, ноёб истеъдодининг рўёбга чиқаришига ҳисса қўшган устоз-мураббийларингга раҳматлар айтамыз.

Юртимиз ҳаётидаги бу тарихий воқеа мустақиллик одамларимиз учун, аввало ёш авлод учун нақадар катта имкониятлар очиб берганини, бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизнинг яна бир амалий тасдиғидир.

Сенга бахт ва омад ҳамма ёр бўлсин, доимо омон бўл!

Ислоом Каримов,

Ўзбекистон Республикаси Президенти».

Рустам Қосимжонов эса Юртбошимизнинг мактуби-
га ёзган жавобида чемпион бўлиши Истиқлол шарофа-
ти эканини алоҳида таъкидлайди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислоом Каримовга!

Ассалому алайкум, мухтарам Ислоом Абдуғаниевич!

Шахмат бўйича Жаҳон чемпиони бўлишим муноса-
бати билан менга йўлаган табригингизни катта
ҳаяжон билан ўқиб чиқдим! Бундай юксак эътибор учун
Сиздан жуда миннатдорман. Қанчалик фахрланаётга-
нимни сўз билан ифодалаш қийин. Сизга бир неча йил
олдін, ўзингиз совга қилган компьютерда ёзган хатим-
да берган ваъдалини бажарганидан беҳад хурсандман.

Мен бу ютуқни устозларингизнинг меҳнати ва албат-
та Сизнинг бевосита эътибор ва гамхўрлигингиз на-
тижаси, деб биламан. Ва бу менга доимо куч-қувват
беради. Шунинг учун ҳам бугун мен эмас – Ўзбекистон
чемпион бўлди, жаҳон шахмат тоғжиги мен эмас – бу-
тун ўзбек халқи сазовор бўлди деб ҳисоблашингизни
сўрайман. Мен айнан Муस्ताқиллик йилларида шахмат-
чи бўлиб танилдим. Олдин ҳам айтганимдек, истиқлол
бўлмаганида мен қаерда эдим, бундай нуфузли мусо-
бақалар қаерда эди. Мен ушбу гаалабамни энг улуг бай-
ралигимиз, Ўзбекистон Муस्ताқиллигининг 13 йиллигига
бағишлайман.

Сизга сиҳат-саломатлик пиллаб, чексиз миннатдор-
лик билан ўглингиз Рустам Қосимжонов.

Триполи, Ливия

2004 йил 14 июль».

IV. ШАХМАТ ТАХТАСИ - ЗАКОВАТ МАЙДОНИ

ШАХМАТДАГИ ЭНГ МУҲИМ ХИСЛАТ - САБР

Рустам Қосимжонов жаҳон чемпионлигини қўлга келтириш, жаҳон матбуотида ўзбек шахматчиси ҳақида кўп мақолалар, маълумотлар берилди. унинг ўйин усти, характери, ютуғу камчиликлари етарлича таҳлил қилинди.

Ўзбекистонлик жаҳон чемпиони тўғрисида фикр билдиришга мухлису мутахассисларнинг аксарияти Рустамнингиданоқ кўплаб тажрибали шахматчилар орзу қилган натижаларга эришган бўлса-да, доимо ўзига қўйган талабчанликни пасайтирмаслигини алоҳида эътиборга олинади. Рустамнинг онаси билан суҳбатлашганимизда ҳам Меҳри опа «ўғлим бирор мақсадга эришса, унда вазифа бажарилди, энди хотиржам юрсам бўлади деган фикр йўқлигини, доимо ўз устида ишлаб турмаса ҳечининги марраларга етиши мураккаб кечишини ўзи жуда яхши тушунади», деганди.

— Шахматчи учун энг муҳим хислатлардан бири сабрдир. Спортчи йиллар давомида ҳеч қандай натижага эришолмаслиги мумкин. Лекин бундай вазиятларда ортга чекинамаслик керак. Менда ҳам муваффақиятсиз ўйинлар бўлади, гоҳида улар узоқ вақт чўзилиб кетади, лекин мен ўз устимда ишлашни давом эттиришга ўрганганман» деганди Рустамнинг ўзи.

Кўплаб хорижлик мутахассислар ҳам Рустамни ўз катталарини билиши ва уларни бартараф этиш учун тинчлик изланиши, меҳнат қилишини алоҳида таъкидлагани. Рустам шахмат тахтасида мустаҳкам ҳимояга асосланган ҳужумкор ўйин кўрсатишга ҳаракат қилади. Энг асосийси, ўта мураккаб вазиятларда ҳам қутилмаган

ФЛУбият кўч
Маҳоратинг асидан чиқиб
Н чарчамай чархлаб бориш
Т ўйини йиғдан-йиғга куч
Спертлар Рустаннинг жаҳон
НИ унинг ўйини сезиларли
ЗОҳлашганди.
Жаҳон чемпионати воқеалар
ган журналда иштирокчилар дунёнинг
ахматчиси Гарри Каспаров
«Рустам Касимжоннинг
Чемпионат иштирокчилари тараф
лар асосиз экани неботдан

Ушбу тўртта жаҳон чемпи
иштирокчиларнинг рақибларини
гроссмейстерлар Руслан Н
омига қарши донна сур
ини давом эттади Гарри К
дан бешта шахматчидан
и Адмашининг рейтингини
шахматчилар – украинлик
и Григорий Гопалов (2737) ҳамда
и (2737) рейтингта эга бў
и чемпионатда барқарор
и чемпионатининг тасовифи
и Майкл Яраша чемпион
и Адамс каби гроссмей
и иштирокчи шахматчилар

ЎТКАЗИЛМАГАН УЧРАШУВ ТАРИХИ

Қаҳаро шахмат федерацияси раҳбарияти Гарри Каспаров бошчилигида дунёнинг айрим етакчи шахматчилари билан 1993 йилда бошланган келишмовчиликларнинг жаҳон чемпионлиги учун учрашув ўтказиш билан бартараф этмоқчи бўлди. Бунинг учун ФИДЕ шартини буйича жаҳон чемпионлигига эришган Рустам Қосимжонов энг юқори рейтинг соҳиблари – россиялик Гарри Каспаров, Владимир Крамник ва венгриялик Пётр Леко иштирокида ўзига хос мусобақа ташкил этилган кўра, Қосимжонов Каспаров ва Крамник – Леко билан уч синашиши ва ҳар икки жуптлик ғолиблари билан жаҳон чемпионлиги учун куч синашиши лозим

ФИДЕ мутасаддиларининг ҳар томонга тарқалиб кетган шахматчиларнинг бошини қовуштириш мақсатини тутаган бу режасининг бир қисми амалга ошди ҳам. Владимир Крамник ҳамда Венгрия вакили Пётр Леко мутлақ жаҳон чемпионлиги учун ярим финалда йиғиштиди. Ушбу баҳсда зафар қучган Владимир Крамник жаҳон чемпионлиги учун ўтказиладиган финал учрашувлари Каспаров ва Рустам Қосимжонов ўртасидаги учрашувда ғолиб чиққан гроссмейстерга қарши дона учрашувни кутилган эди.

Қаҳаро шахмат федерацияси раҳбарияти барчанинг қизиқишида турган Рустам Қосимжонов ва Гарри Каспаров ўртасидаги баҳс 2005 йилнинг январида Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида бўлишини расман эълон қилди.

Эълонланган муддат яқинлашгач, Гарри Каспаров Рустам Қосимжоновга қарши бўладиган учрашув олди-мукофот пулларини кафолатлаш борасида ФИДЕ раҳбарияти билан келишолмади. Гарри Каспаровнинг Рустам Қосимжонов билан учрашувдан бош тортгани туфайли мутлақ жаҳон чемпионлигини аниқлаш масаласи яна ечимини топма-

ди. Шу ўринда, Халқаро шахмат федерацияси раҳбарияти Гарри Каспаровни 2002 йил ФИДЕ версияси бўйича жаҳон чемпиони бўлган украиналик Руслан Пономарев билан ҳам ўзаро учрашув ўтказишга кўндирилмаганини эслаб ўтиш лозим.

Хуллас, шахмат мутасаддилари анчагача бу масала ечимини қидиришди. Ниҳоят, 2005 йили Грузияда ўтказилган Халқаро шахмат федерацияси президентлар кенгаши йиғилишида тарихий қарор қабул қилинди. ФИДЕ мутлақ жаҳон чемпионини аниқлаш учун супертурнир ташкил этадиган бўлди ва раҳбарият мусобақани ўтказиш тартиби ва вақтини аниқ белгилаб олди.

ФИДЕ раҳбариятининг қарорига кўра, 2005 йилнинг октябрь ойида мутлақ жаҳон чемпионини аниқлаш учун саккиз нафар энг кучли гроссмейстер иштирокида икки даврала-супертурнир ўтказиладиган бўлди. Мазкур мусобақа ғолиби эса мутлақ жаҳон чемпиони, деб эътироф этилади.

Мутахассислар мазкур супертурнирда амалдаги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновни ва ФИДЕ рейтингда энг юқори поғонани эгаллаб турган гроссмейстерлар – Майкл Адамс (Англия), россияликлардан – Владимир Крамник, Гарри Каспаров ва Александр Морозевич, Петер Лeko (Венгрия), Вишванатан Ананд (Ҳиндистон) ҳамда Веселин Топаловни (Болгария) таклиф этишини маълум қилдилар. Агар кимдир мусобақада қатнашишни истамаса, унинг ўрнига рейтинг жадвалида кейинги ўринда турган шахматчи таклиф этиладиган бўлди.

Хуллас, мутлақ жаҳон чемпионини аниқлаш бўйича деярли барча масала ҳал этилди. Бўлажак жаҳон чемпионати мутахассислар томонидан сўнгги эллик йилдаги энг муҳим ва аҳамиятли мусобақа сифатида эътироф этилди.

ЯНГИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Шу тариқа ҳамюртимиз Халқаро шахмат федерациясининг нокаут-тизимда ўтказилган жаҳон чемпионати-нинг сўнгги ғолиби сифатида тарихдан жой олди. Энди шахмат оламида янгича – икки даврالي юқори категориялик супертурнир усулида ўтказиладиган жаҳон чемпионати пайдо бўлди.

2005 йилнинг 27 сентябрь – 16 октябрь кунлари Аргентинанинг Сан-Луис шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати бутун шахмат олами учун аҳамияти беқиёс мусобақа сифатида тарихда қолади.

Шундай қилиб, Аргентинанинг Сан-Луис шаҳридаги «Потреро-де-лос-Фунес» меҳмонхонаси мезбонлик қилган бутун шахмат оламини бирлаштириши кутилган жаҳон чемпионатиға Рустам Қосимжонов жаҳон шахмат тожи соҳиби сифатида таклиф этилди. Шунингдек, навбатдаги жаҳон чемпионатида дунёнинг энг кучли халқаро гроссмейстерлари – англиялик Майкл Адамс, Венгрия вакиллари – Юдит Полгар ва Петер Лeko, россиялик Пётр Свидлер ҳамда Александр Морозевич, болгариялик Веселин Топалов ва ҳиндистонлик собиқ жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд иштирок этди. Жаҳон рейтингини пешқадами Гарри Каспаров шахматчилик фаолиятини якунлагани туфайли мусобақада қатнашмади.

Жаҳон чемпионати олдидан шахмат мутахассислари ва спорт журналистлари иштирокчилар имкониятини таҳлил қилар экан кўпчилик Рустам Қосимжоновнинг ўзиниға баҳо беришға қийналди. Чунки, рақиблар Рустамға нисбатан анча тажрибали бўлиб, барчасининг рейтинги 2700 дан юқори эди. Албатта, жаҳон шахматида катта обрў-эътибор қозонишға улгурган шахматчиларнинг имкониятиға фақат ижобий баҳо берилди. Қолаверса, бу гроссмейстерлар икки даврالي юқори категорияли супертурнирларда катта тажриба тўплаган. Чемпионатни икки даврالي тизимда ўтказилиши эса Рустам-

усул қўллаб, мағлубият кўчасидан чиқиб олади. Ушунда ишлашдан, маҳоратини чархлаб боришдан, тажрибасини оришдан чарчамайдиган, эринмайдиган Рустам Қосимжоновнинг ўйини йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Хорижлик экспертлар Рустамнинг жаҳон чемпионатидаги ғалабасини унинг ўйини сезиларли даражада кучайгани билан изоҳлашганди.

Триполидаги жаҳон чемпионати воқеаларини таҳлил қилишга киришган журналистлар дунёнинг ўша пайтдаги энг кучли шахматчиси Гарри Каспаровнинг фикрини сўрашганида, «Рустам Қосимжоновнинг ғалабасидан сўнг чемпионат иштирокчилари таркиби кучсиз эди, деган чиқишлар асоссиз экани исботланди», – деди моҳир шахматчи.

– ФИДЕнинг сўнгги тўртта жаҳон чемпионатларини ғолиб чиққан шахматчиларнинг рақибларига эътибор берсак, энг кучли гроссмейстерлар Руслан Пономарев ва Рустам Қосимжоновга қарши дона сурганини гувоҳ бўламиз, – деб сўзида давом этади Гарри Каспаров. Рустамга рақиб бўлган бешта шахматчидан фақатгина руминиялик Золтан Алмашининг рейтингини 2700 балли етмаган. Қолган шахматчилар – украиналик Василий Иванчук (2716), россиялик Александр Гришчук (2719), болгариялик Веселин Топалов (2737) ҳамда англиялик Майкл Адамс (2731) юқори рейтингга эга бўлган шахматчилардир. Рустам чемпионатда барқарор ўйин намойиш қилди. Унинг чемпион бўлганини тасодифга йўйин асло мумкин эмас, у меҳнатига яраша чемпион бўлди. Веселин Топалов ҳамда Майкл Адамс каби гроссмейстерларни енгиш фақатгина энг кучли шахматчиларга хосдир.

ЎТКАЗИЛМАГАН УЧРАШУВ ТАРИХИ

Халқаро шахмат федерацияси раҳбарияти Гарри Каспаров бошчилигида дунёнинг айрим етакчи шахматчилари билан 1993 йилда бошланган келишмовчиликлар мутлақ жаҳон чемпионлиги учун учрашув ўтказиш билан бартараф этмоқчи бўлди. Бунинг учун ФИДЕ келиши бўйича жаҳон чемпионлигига эришган Рустам Қосимжонов энг юқори рейтинг соҳиблари – россиялик Гарри Каспаров, Владимир Крамник ва венгриялик Пер Леко иштирокида ўзига хос мусобақа ташкил этилди. Унга кўра, Қосимжонов Каспаров ва Крамник – Леко куч синашиши ва ҳар икки жуптлик ғолиблари бўлиш жаҳон чемпионлиги учун куч синашиши лозим бўлди.

ФИДЕ мутасаддиларининг ҳар томонга тарқалиб кетган шахматчиларнинг бошини қовуштириш мақсади билан тузган бу режасининг бир қисми амалга ошди ҳам. Владимир Крамник ҳамда Венгрия вакили Пер Леко мутлақ жаҳон чемпионлиги учун ярим финалда куч синашди. Ушбу баҳсда зафар қучган Владимир Крамник жаҳон чемпионлиги учун ўтказиладиган финалда Гарри Каспаров ва Рустам Қосимжонов ўртасидаги учрашувда ғолиб чиққан гроссмейстерга қарши дона кучини кутилган эди.

Халқаро шахмат федерацияси раҳбарияти барчанинг келишмовчилигида турган Рустам Қосимжонов ва Гарри Каспаров ўртасидаги баҳс 2005 йилнинг январида Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида бўлишини расман эълон қилди.

Белгиланган муддат яқинлашгач, Гарри Каспаров Рустам Қосимжоновга қарши бўладиган учрашув олдин мукофот пулларини кафолатлаш борасида ФИДЕ раҳбарияти билан келишолмади. Гарри Каспаровнинг ҳақим учрашувдан бош тортгани туфайли мутлақ жаҳон чемпионини аниқлаш масаласи яна ечимини топма-

нинг юқори категорияли турнирларда пишган рақиблари имкониятини ошириб юборди.

Шундай бўлса-да, чемпионатнинг энг ёш иштирокчиси Рустам Қосимжонов ўйинларни анча ишончли ўтказди. Айниқса, тўртинчи турда мураккаб вазиятда қолганига қарамай, чемпионатнинг энг кучли қатнашчиси, 2000 йилги жаҳон чемпиони Вншванатан Анандни мағлуб этиши Рустамнинг нималарга қодирлигини исботлади.

Мураккаб вазиятлардан усталик билан чиқиб кетини маҳорати ўзбекистонлик гроссмейстерга Веселин Топалов, Пётр Свидлер, Александр Морозевич каби шахматчилар билан кечган партияларда унга анча қўл келди. Бироқ, мазкур жаҳон чемпионатида Рустам Қосимжоновга юқори категорияли турнирларда тўпланадиган тажриба етишмади. Чунки Рустам юқори даражали халқаро турнирлар ташкилотчилари нигоҳига 2004 йили жаҳон чемпиони бўлганидан сўнг тушди. У жаҳон чемпиони сифатида фақатгина Испаниянинг Линарес шаҳридаги юқори категорияли супертурнирда иштирок этишига улгурди, холос. Албатта, биргина супертурнирда тўпланган тажриба икки даврли жаҳон чемпионатида муваффақият қозониш учун камлик қилади. Устига-устак Рустам кўп вақтини Гарри Каспаровга қарши ўтказилиши лозим бўлган ва амалда ўтказилмай қолган чемпионлик матчида тайёрланишга сарфлади.

Аргентинада ўтказилган жаҳон чемпионатида Рустам Қосимжонов чемпионлик тожини болгариялик Веселин Топаловга топширди. Лекин ушбу жаҳон чемпионати энг ёш иштирокчи - Рустамга катта тажриба мактаби бўлди. Албатта, бу тажриба Рустамнинг шахматчилик фаолиятида янги-янги ютуқларга етаклайди. Чунки у жаҳон чемпионлиги мазасини бир бор тотиб кўрган ва чемпионлик нашидаси уни яна жаҳон шахмат тожини қўлга киритишга ундайверади.

Асосийси, Рустам мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовга берган ваъдасини бажариб, жаҳон шахмат то-

қани она Ватани – Ўзбекистонга олиб келган. Рустам учун ҳали ҳаммаси олдинда. Рустам бир марта нималарга қодирлигини исботладими, яна жаҳон чемпиони бўлишнинг қўлидан келишига ишонамиз. Чунки шахмат тарихида Александр Алёхин ва Михаил Ботвинниклар жаҳон шахмат тожини бир неча маротабадан қўлдан бериб, яна қайтариб олган.

Қолаверса, Рустам Қосимжоновнинг номи жаҳон чемпиони сифатида тарихда абадий қолади. Ўзбекистонлик гроссмейстернинг исми-шарифи Вильгельм Стейниц, Франсуа Ласкер, Хосе Капабланка, Александр Алёхин, Михаил Ботвинник, Михаил Таль, Борис Спаский, Бобби Фишер, Анатолий Карпов, Гарри Каспаров, Вишванатан Ананд каби шахмат даҳолари билан ёнма-ён туриши ҳар бир ҳамюртимизнинг юрагини гурур-ифтихорга тўлдиради.

МУАММО БАРҲАМ ТОПДИ

Рустам Қосимжоновдан кейин чемпионлик тожи болгариялик Веселин Топаловга ўтди. Халқаро шахмат федерацияси шундан сўнг узоқ йил кутилган мутлақ жаҳон чемпионлиги учун ўтказиладиган ҳал қилувчи учрашувни ташкил этишни удалади. Бу матч 2006 йилда бўлди. Ушун пайтда классик шахмат бўйича жаҳон чемпиони ҳисобланган Владимир Крамник Гарри Каспаровдан фарқли равишда ФИДЕ версияси бўйича жаҳон чемпиони Веселин Топалов билан мутлақ чемпионлик учун донатурнига розилик берди. Шу орқали ФИДЕ ва классик шахмат чемпионлари ўртасидаги муаммо барҳам топди.

Ниҳоят, 2006 йили Россиянинг Элиста шаҳрида ўтказилган тарихий беллашувда Владимир Крамник Веселин Топаловни мағлубиятга учратиб, мутлақ жаҳон чемпиони деб тан олинди. Шу тариқа шахмат оламида ҳукмронликни яна ўз қўлига олган Халқаро шахмат федера-

цияси 2007 йилда Мексикада даврли тизимда жаҳон чемпионатини ўтказди. Владимир Крамник эса чемпионлик тожини ҳиндистонлик Вишванатан Анандга бой берди. Лекин В.Ананд шахмат тожини ўзаро чемпионлик учрашувида қўлга киритмагани боис шахмат мутахассислари ва мухлислари орасида Владимир Крамникни кучли шахматчи, деб қабул қиладиганлар сафи кенгайиб борди. Воқеалар ривожини Ананд ва Крамник ўртасида алоҳида чемпионлик учрашувини ташкил этишни тақозо қиларди.

АНАНДНИНГ ЧЕМПИОНЛИК ЖАНГЛАРИ

Вишванатан Ананд ва Владимир Крамник ўртасидаги чемпионлик беллашуви 2008 йилнинг 14-29 октябрь кунлари Германиянинг Бонн шаҳрида бўлди. Амалдаги жаҳон чемпиони Ананд муҳим учрашувга пухта тайёргарлик кўриш учун ўз жамоасига кучли гроссмейстерлар - ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов, даниялик Петер Хейне Нильсен, польшалик Радослав Войташек ва ўз ҳамюрти Сурья Шехар Гангулини секундантликка таклиф этди. Бу шахматчилар Анандга бўлажак чемпионлик учрашувига пухта ҳозирлик кўришида ёрдам бериш билан бирга жаҳон чемпионлиги учун ўйналаётган партияларни таҳлил этиш, Ананднинг партияларида вужудга келаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш учун чемпионга тўғри йўл кўрсатишга ҳаракат қилди. Владимир Крамник эса ўз жамоасига ҳамюрти Сергей Рублевский, франциялик Лоран Фрессине, венгриялик Петер Лекони таклиф қилганди.

Тарихий учрашув натижасини олдиндан топишга ҳеч ким ботина олмади. Бироқ мутахассислар орасида Владимир Крамникнинг имкониятини юқори баҳоловчилар кўпчилигини ташкил қилди. Чунки Крамник учун бу

Тўртинчи чемпионлик учрашуви бўлиб, россиялик шахматчи довалдан катта тажриба тўплаганди. Вишванатан Ананд эса оммага кўпроқ турнирларда ғалаба қозонади. Шахмат устаси сифатида танилган. Қолаверса, ҳинд шахматчиси атиги бир марта – 1995 йилда чемпионлик учрашувида қатнашиб, Гарри Каспаровдан қақшатқич воқеанингга учраган эди.

Шундай бўлса-да, Бонндаги 12 партиялик чемпионлик баҳрида Вишванатан Ананд замонамизнинг энг кучли шахматчиси эканини амалда исботлади. Моҳир гроссмейстер учта партияда ғалаба қозонди, етти марта дурангга эришди ва бор йўғи бир бор имкониятни бой берди. Ун бир партиядан сўнг 6,5:4,5 ҳисобида Ананд олдинга ўтиб кетгани бонс сўнгги партияни ўтказишга ҳожат қолмади. Ғалабадан сўнг Ананд Рустамнинг ёрдами учун унга алоҳида миннатдорлик билдирди.

Вишванатан Ананд чемпионлик тожини 2010 йилда ҳам ҳимоя қилди. У бу гал ҳам Рустам Қосимжоновни секундангликка таклиф қилди. Ҳиндистонлик шахматчига қарши донс суриш ҳуқуқини даъвогарлар мусобабада ғолиб чиққан болгариялик собиқ жаҳон чемпиони Веселин Топалов қўлга киритган эди. Чемпионлик учрашуви 21 апрель – 11 май кунлари Болгария пойтахти София шаҳрида ўтказилди.

Ун икки партиядан иборат бўлган чемпионлик баҳрида ун биринчи партиягача ҳисоб тенг эди. Охириги партиядо Веселин Топалов оқ доналарда ўйнади. Болгариялик шахматчи 32-юришда хатога йўл қўйди. Буни ўн вақтида пайгаган Вишванатан Ананд қора доналарни оқилона ҳаракатлантириб, учрашувда ғалабага эришди. Чемпионлик беллашувида 6,5: 5,5 ҳисобида зафар кучган В.Ананд ҳамон чемпионлик тожини ўзида сақлаб турибди.

Вишванатан Ананд учта формат - нокаут-тизим, даврани тизим ва чемпионлик учрашувларида жаҳон чемпионлигига эришган ягона шахматчи ҳисобланади.

– Вишванатан Ананд билан ҳамкорлик қилиш менга хузур бағишлайди, – дейди Рустам Қосимжонов. – Халқаро дистонлик шахматчидан кўп нарса ўрганиш мумкин. Ананднинг Владимир Крамник ва Веселин Топалов билан қарши ўтказган чемпионлик учрашувларида унга секундантлик қилганим мен учун ҳам анча фойдали бўлди. Юқори даражадаги мусобақаларнинг тайёргарлик жараёни ҳам спортчи учун тажриба ва маҳоратини оширишга хизмат қилади.

РУСТАМ ЯНА ХУШНУД ЭТМОҚДА

Рустам Қосимжоновнинг Германия бундеслигаси нуфузли халқаро турнирлардаги ўйинлари, Вишванатан Ананд каби кучли шахматчилар билан ҳамкорлиги унга Ўзбекистон терма жамоаси сафида жаҳон шахмат олимпиадалари, жаҳон кубоги, қитъа чемпионати ва Осиё ўйинлари каби нуфузли мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишда ҳам қўл келмоқда.

Рустам Қосимжонов фаолиятидаги яна бир салмоқли ғалабага 2010 йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган XVI Осиё ўйинларида эришди. Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов рапид – тезкор шахмат мусобақасини мағлубиятсиз яқунлаб, Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига олтин медаль келтирди. Мусобақада Рустам тўққиз имкониятдан 7,5 очко жамғарди. Моҳир шахматчимиз мусобақа давомида индонезиялик Сусанто Мегаранто, малайзиялик Мок Це-Менг, вьетнамлик Сон Нгуен ва Лиём Куанг Ле, ҳиндистонлик Шекхар Гангули, хитойлик Бу Ксианжини мот қилиб, қатарлик Муҳаммад Ас-Саид, ҳиндистонлик Кришнан Шашикиран ҳамда қозоғистонлик Дармон Саидвақосов билан дуранг ўйнади ва енгилмаган ягона спортчи бўлди.

Шахмат бўйича Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси аъзолари Нафиса Мўминова, Ольга Собирова, Руслан Ҳамроқулова, Нодира Нодиржонова ҳам жамоада беллашувларда иккинчи ўринни эгаллаб, Осиё ўйинларининг кумуш медалини қўлга киритди.

Рустам Қосимжоновнинг Осиё ўйинларидаги ғалабаси бутун мусобақа давомида бизга ҳам ўзгача куч бағишлади, – дейди халқаро тоифадаги спорт устаси Нафиса Мўминова. – Биз ҳам Рустам ака сингари Ўзбекистонлик шахматчилар ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлаш учун дона сурдик. Бизга қарши дона сурган терма жамоалар таркибида юқори рейтингга эга бўлган кучли шахматчилар ҳам кўп эди. Айниқса, саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган энг кучли Турликдан жой олган терма жамоалар – Ўзбекистон, Хитой, Ҳиндистон ва Вьетнам иштирокидаги ярим финалда Ҳиндистонликларга қарши ўтказилган учрашув анча оғир ўтди. Лекин Осиёнинг энг кучли терма жамоаларидан ҳисобланган Ҳиндистонликларни енгиб, финалда қатнашдик ва охир-оқибат кумуш медалга эга чиқдик.

Умуман олганда, Ўзбекистон спорт делегацияси вакиллари 2010 йилнинг йилнинг 12-27 ноябрь кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, мустақил юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшгани барчамизнинг қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Қитъамизнинг энг йирик спорт фестивалида 11 олтин, 22 кумуш ва 23 бронза, жами 56 медални қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари умумжамоа ҳисобида кучли саккизликдан жой олди.

– Ҳар қандай халқаро мусобақада она Ўзбекистонимиз шарафи учун майдонга чиқиш бизга улкан гурур ва ифтихор бағишлайди, – деди шахмат бўйича жаҳон чемпиони, XVI ёзги Осиё ўйинлари ғолиби Рустам Қосимжонов Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон спорт

делегацияси аъзоларини кутиб олиши ва бағишланган тўп танали маросимда. – Мамлакатимизда ёшларнинг бирча соҳада бўлгани каби спортда ҳам ўз иқтидори ва истеъдодини намойиш қилиши, тажриба, малака ва маҳоратини ошириши учун ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратилган. Бу бизни ҳамيشа шоҳсупа сари бошлайди.

ИТОШКЕНТДАГИ ТАРИХИЙ УЧРАШУВ: ҚОСИМЖОНОВ – АНАНД

2011 йилда жаҳон афкор оммаси ва дунёдаги шахмат фаносмандлари, шахматчилар, мутахассислар нигоҳи яна Ўзбекистонга қаратилди. Чунки шу йилнинг 27 март куни пойтахтимизда шахмат бўйича 2004 йилги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ва амалдаги жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд (Ҳиндистон) ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди.

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, мамлакатимиз шахмат федерацияси ҳамда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ўртоқлик учрашуви Ўзбекистон шахматининг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир шахматчиларни тарбиялаш, ўғил-қизларни спортга, хусусан шахматга қизиқишини кучайтириш, уларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, мазкур спорт турини янада оммалаштириш мақсадида ташкил этилди.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИДА АНАНД ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Пойтахтимизда икки жаҳон чемпиони – Рустам Қосимжонов ва Вишванатан Ананд “матч-рапид” тартибда тўрт партиядан иборат ўртоқлик учрашувини ўтказди. Беллашувни воқеа жойида икки юз нафардан зиёд спорт жамоатчилиги вакиллари, мутахассислар, шахматчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва мухлислар бевосита кузатиб борди.

Тезкор шахмат бўйича дунёнинг энг кучли шахматчиси ҳисобланган Вишванатан Ананд ўртоқлик учрашу-

вини 3,5:0,5 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Ушбу тарихий учрашув Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилди. Ўзбекистон шахмат федерациясининг расмий сайти - uzchess.uz орқали онлайн тарзда трансляция қилинган мазкур партияларни жаҳоннинг турли мамлакатларидаги минглаб шахмат мухлислари ва мутахассислари кузатиб, таҳлил қилиб борди.

Рустам Қосимжонов ва Вишванатан Ананд ўртасидаги ўртоқлик учрашуви Ўзбекистон спортида муҳим воқеа сифатида баҳоланди. Мазкур матч ўтказилган куни юртимизга Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжиновнинг (Россия) келгани ҳам ушбу тadbир жаҳон спортида ҳам муҳим аҳамият касб этганидан далолат беради.

Аслида икки жаҳон чемпинининг ўзаро ўртоқлик учрашувини ўтказиши шахмат оламида кам кузатиладиган воқелик. Амалдаги жаҳон чемпиони Ананднинг Тошкентга келганини унинг Рустам Қосимжонов билан ўзаро ҳамкорлиги ва дўстона муносабати самараси, дея баҳолаш мумкин. Зеро, Вишванатан ҳам пойтахтимизда журналистлар билан суҳбатлашар экан Рустам Қосимжоновдек истеъдодли ва юқори салоҳиятли шахматчини тарбиялаган ўзбек халқи ва Ҳиндистон билан доимо дўстона муносабат қуриб келаётган Ўзбекистон мамлакатига ҳурмат ва эҳтироми чексиз эканини таъкидлади.

ВИШВАНАТАН АНАНД: РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ – ЮҚОРИ САЛОҲИЯТЛИ ГРОССМЕЙСТЕР

– Мен Рустамни 1999 йилдан буён яхши танийман, – дейди амалдаги жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд ўртоқлик учрашуви муносабати билан Тошкентда ташкил этилган матбуот анжуманида. – Шундан буён унинг ўйинларини мунтазам кузатиб келаман. Фаолиятим да-

номида у билан бир неча маротаба куч синашганман. Гилаба баъзан Рустамга, баъзида эса менга насиб этган, кучлар тенг келган ўйинлар ҳам бўлган. Уша партияларнинг аксариятини шахмат мутахассислари ва мухлислари ҳамон яхши эшлашади.

– **Жаноб Ананд, Ўзбекистон ва ўзбек шахматчилари ҳақида фикрларингизни билмоқчи эдик?**

– Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг ўзаро муносабатлари тарихи узоқ ўтмишдан бошлангани ва бугунги кунда ҳам самарали давом этаётганини барчамиз яхши биламиз. Бу икки мамлакатнинг бир-бирига яқин ва ўхшаш жиҳатлари кўплигини ҳам алоҳида таъкидлашни истайман. Юртингиз ҳақида фикрларим ижобий, таассуротларим илиқ. Ўзбекистонлик шахматчиларнинг ўйинларини ҳам кузатиб бораман. Уларнинг халқаро майдонларда эришаётган ютуқлари мамлакатингизда бу спорт тури жадал ривожланаётганидан далолат беради. 2010 йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган XVI Осиё ўйинларида ҳам шахматчиларингиз юксак муваффақиятга эришди. Рустам шахсий биринчиликлда олтин медалга сазовор бўлди. Хотин-қизлар терма жамоаси эса жамоавий беллашувларда кучли рақиблар билан куч синашиб, кумуш медални қўлга киритди. Бу муваффақиятлар эса Ўзбекистонда спортнинг барча турлари қатори шахматнинг ҳам изчил ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилганидан далолатдир.

– **Сиз аини пайтда амалдаги жаҳон чемпионисиз. Рустам Қосимжоновнинг яна жаҳон шахмат тожини қўлга киритиш имкониятини қандай баҳолайсиз?**

– Бу саволга жавоб бериш мен учун бироз ноқулай. Мен узоқроқ вақт чемпионлик тожини ўзимда сақлаб туришни хоҳлайман. Лекин шу билан бирга Рустам Қосимжоновни жуда кучли, ақлли, истеъдод ва салоҳияти юқори бўлган гроссмейстер сифатида қаттиқ ҳурмат қиламан. Мен унинг истеъдоди ва маҳоратига ишонаман

ва Рустам яна шахмат оламининг юқори чўққиларига кўтарилишга қодир, деб ҳисоблайман.

– Рустам Қосимжонов билан ўртоқлик учрашувингиз ва мазкур тадбир донрасидаги семинар-тренинг ёшларга қай даражада фойдали бўлади?

— Кучли гроссмейстерларнинг ўйинини бевосита томоша қилиш орқали кўп нарса ўрганса бўлади. Шу маънода, бир вақтнинг ўзида ёш шахматчилар билан ўтказиладиган шахмат сеанслари ҳам энг ёрқин ва ёқимли жараён сифатида уларнинг хотирасида бир умрга қолади. Бундай тадбирлар ўғил-қизларнинг кучли шахматчи бўлиб етишиш жараёнини тезлаштириб, унга ижобий таъсир қилади.

Таъкидлаш лозимки, дунёда шахматга қизиқувчилар сони тобора ўрғиб бормоқда. Беллашувда голиб бўлиш учун омаднинг ҳам ўрни катта. Бироқ ана шу омадга эришиш учун ҳам шахматчи ўз устида тинимсиз ишлаши ва изланиши зарур. Шу боис етишиб чиқаётган ёш шахматчиларга муваффақият сари олға интилишни, меҳнат қилишни ва имкон қадар кўпроқ тажриба алмашишни тавсия қилган бўлардим.

Юртингиз ёшлари келгусида шахмат соҳасида янада юқори кўрсаткичларга эришишига ишонаман.

– Замонавий технологиялар асри – XXI асрда шахматнинг ўрнини қандай баҳолайсиз?

– Сўнгги йилларда ахборот технологияларининг таъраққий этиши бошқа жабҳалар қатори шахматнинг ҳам ривожланишига ижобий таъсир кўрсата олди. Айни вақтда компьютер орқали онлайн тизимда шахмат ўйнаш ҳамда шахмат турнирларини тўғридан-тўғри кузатиш имконияти мавжудлиги шахматга қизиқувчилар учун энгиллик яратмоқда. Илгари кучли шахматчилар иштирокдаги партиялар тўғрисида маълумот олиш учун бир неча кунлар, ойлар баъзан йиллар ўтиб кетарди. Керакли маълумотларни топиш анчагина оворагарчилик ва вақтни талаб қиларди. Ҳозир эса имкониятлар сезилар-

ш даражада кенгайган. Дунёнинг бир бурчагида туриб нариги томондаги матчларни онлайн тизимда кузатиб бориш, таҳлил қилиш имконияти бор.

Хусусан, менинг ҳам шахсий шахмат дастури бор. Ушбу дастур интернет орқали дунёнинг исталган нуқта-сидан туриб шахмат ўйнаш имконини беради. Бу эса чекка қишлоқларда яшовчи шахмат ҳаваскорларига бевосита бешлашиш шароитини яратади. Албатта буларнинг бар-чиси ёш шахматчиларга маълум даражада фойда беради. Бироқ фикримча, шахмат тахтасида ўйналадиган имконли ўйиннинг гашти бўлакча ва айнан шу усул му-ваффақиятга тезроқ етказди.

– **Жаҳон чемпиони Вишванатан Ананднинг шахмат-ни бўш вақтларини нималарга сарфлаши ўзбекистон-лик мухлисларни ҳам қизиқтиради...**

– Мен шахматдан ташқари дунё бўйлаб саёҳат қилишни хуш кўраман. Чунки дунёда гузал ва сўлим ўшалар кўп. Бирор мамлакатдаги мусобақада қатнаш-ган вақтимда саёҳат қилиш имкони бўлмайди. Чунки мусобақа вақтида бор эътиборимни ўйинга қаратаман. Лекин кейинчалик яна ўша давлатга келиб, тарихий ва эътиборга молик жойларини зиёрат қилиш менга ҳузур бағишлайди.

КИРСАН ИЛЮМЖИНОВ: ЎЗБЕКИСТОН ШАХМАТИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

– Ўзбекистон изчил тараққий этаётган мамлакатлар-дан, – дейди Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) пре-зиденти Кирсан Илюмжинов (Россия). – Халқаро молия-вий инқироз даврида ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти бар-қарор ривожланаётгани эътиборга сазовор. Мамлакатин-гизда спортни ривожлантириш давлат сиёсатининг усту-вор йўналишларидан бирига айлангани, айниқса, қуво-нарлидир. Ҳолбуки, кўпгина мамлакатларда спорт, таъ-лим ва маданиятни ривожлантиришга сўнгги масалалар

сифатида қаралади. Ўзбекистонда эса мазкур соҳаларни ривожлантириш учун алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ. Масалан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шахсан ўзи бошчилик қилаётгани давлатингиз раҳбарининг ёш авлоднинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб етишиши учун кўрсатаётган улкан эътибор ва ғамхўрлигининг амалдаги ифодасидир.

Ўзбекистон ўзининг шахмат анъаналари билан дунёга машҳур ва юртингиз шахматни ривожлантириш бўйича жаҳонда етакчи мамлакатлардан бирига айланган. Ўзбекистонлик спортчиларнинг халқаро майдондаги ғалабалари сони ва салмоғи ортиб бораётгани ҳам шундан далолат беради. Тошкентда икки халқаро гроссмейстер – Рустам Қосимжонов ва Вишванатан Ананд ўртасида ўтказилган ўртоқлик учрашуви ҳам Ўзбекистоннинг шахмат борасидаги улкан салоҳиятининг ёрқин намоёни бўлди.

ЁШ ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ БИЛАН БЕЛЛАШДИ

Амалдаги жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд Тошкентга уюштирган ташрифи давомида «Ўзбекистон» спорт мажмуасида мамлакатимиз ўсмирлар ва хотин-қизлар терма жамоаси аъзоларига семинар-тренинг ўтказди. 28 март куни ўтказилган шахмат-сеансида В.Ананд бир вақтнинг ўзида йигирма нафар шахматчимизга қарши дона сурди.

Истеъодли шахматчиларимиздан олти нафари – Акмал Файзуллаев, Талгат Губайдуллин, Мафтуна Маматқулова, Алишер Бекмуродов, Олег Артеменко ва Саидқабар Сайдалиев Вишванатан Ананд билан дуранг ўйнади. Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси аъзоси Ҳулкар Тоҳиржонова ва 8 ёшгача бўлган болалар ўртасида

10 ва 12 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида мамлакат чемпиони сорвиндори Темур Игонин эса жаҳон чемпионини мағлубиятга учратди.

Вишванатан Анандни мот қилган истеъдодли шахматчимиз Хулкар Тоҳиржонова ўз фикрлари билан ўртоқлашар экан, қуйидагиларни гапириб берди:

– Пойтахтимизда икки жаҳон чемпиони – Рустам Қосимжонов ва Вишванатан Ананд ўзаро ўртоқлик учрашувини ўтказиши шахмат оламида кам кузатиладиган тарихий воқеадир. Амалдаги жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд ва мамлакатимизнинг энг кучли шахматчиси Рустам аканинг ўзаро баҳсини бевосита томоша қилиш, биз ёшлар учун ўзига хос тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

Ҳиндистонлик шахматчи «Ўзбекистон» спорт мажмуида йигирма нафар энг иқтидорли ёш шахматчиларимизга семинар-тренинг ўтказди. Қоидага кўра, ҳаммамиз қора доналарда, Ананд эса оқ доналарда ўйнади. Шахсан менга қарши ўтказилган учрашувнинг бошида ташаббус ва устунлик Виши Ананд томонида эди. Лекин ўйин ўртасида моҳир шахматчи кутилмаганда кичик хатога йўл қўйди. Буни вақтида пайқганим менга қўл келди. Секин-аста устунлик мен томонга ўта бошлади ва ҳужумни кучайтирдим. Ўттиз тўртинчи юришдан сўнг Ананд мағлубиятини тан олди. Шунингдек, ёш шахматчимиз Темур Игонин ҳам Анандни енгди. Шу ўринда, ҳинд гроссмейстери жуда тез ўйнашга ҳаракат қилганини таъкидлаш лозим. У биздан жиддий қаршилиқни кутмаган кўринади. Сеанс нисбатан қисқа вақт давом этди. Ўз вақтида Г.Каспаровнинг худди шунақа шахмат сеанси олти соатдан кўп давом этганди. Нима бўлган тақдирда ҳам ғалабадан ҳурсанд бўлдим, кайфиятим кўтарилди ва ўзимга бўлган ишонч ортди.

29 март куни Рустам Қосимжонов ҳам 22 нафар ёш шахматчи билан семинар-тренинг ўтказди. Семинар-тренинг натижасига кўра, ёш шахматчиларимиздан Юлдуз

Ҳамроқулова, Мафтуна Маматқулова, Ортиқ Неъматов, Улуғбек Тиллаев, Олег Артеменко ва Саидакбар Сайдалиев Рустам Қосимжонов билан дуранг ўйнади.

– Рустам ака доимо биз ёш шахматчиларга яхши муносабатда бўлади. – дейди XVI Осиё ўйинлари совриндори Юлдуз Ҳамроқулова. – Бизга кўп нарсаларни ўргатади, шахматдаги янги усуллар билан таништиради. Мен илк бор Рустам аканинг мастер-класс машғулотида қатнашганимда тўққиз ёшда эдим. Ўшанда Рустам ака менинг ўйинларимга ўзининг илиқ фикрларини билдирганди. Бу менинг шахмат сир-асрорини янада чуқурроқ ўрганишимга, ўз устимда ишлашимга туртки бўлди. Бу галги семинар-тренинг ҳам кўплаб истеъдоли ёшларимизнинг шахматга бўлган қизиқишини янада ошишига хизмат қилиши шубҳасиз

– Ушбу мастер-класс машғулотида қатнашганимдан бахтиёрман. – дейди шахмат бўйича ўн ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида Ўзбекистон чемпиони Саидакбар Сайдалиев. – Вишванатан Ананд ва Рустам аканинг семинар-тренингларида улар билан дуранг натижа қайд этдим. Бу ўзимга бўлган ишончимни оширди. Келажакда мен ҳам Рустам Қосимжонов сингари жаҳон чемпиони бўламан ва мамлакатимиз байроғини баланд кўтараман.

ЧЕМПИОН БИЛАН СУҲБАТ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳалар сингари спортни ҳам ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасида Ўзбекистон дунё ҳамжамияти томонидан спортни жадал тараққий этаётган мамлакат сифати эътироф этилмоқда. Юртимизда тарбия топган моҳир спортчиларимиз Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли мусобақаларда юртимиз шарафини муно-

ни ҳимоя қилиб, халқимиз салоҳиятини жумлан жаҳонда намоеън этиб келмоқда.

Ўзбекистонда шахмат спортини ривожлантиришга ҳатто ҳисса қўшаётган халқаро гроссмейстер, «Амир Темури» ордени соҳиби Рустам Қосимжонов билан бўлган ҳудобатимизда чемпионимизнинг келажакдаги режаларининг хабардор бўлдик.

– Мамлакатимизда спортга навқирон авлодни жисмонан ва маънан соғлом, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш воситаси сифатида қаралади, – дейди шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов. – Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида, хатто чекка-чекка қишлоқларида бунёд этилган замонавий спорт мажмуалари, сув ҳавзалари, спорт заллари эртаю кеч ёшлар билан гавжум. Бундай беқиёс имкониятлардан оқилона фойдаланаётган истеъдодли ёшларимиз нуфузли мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир янги чемпионлар авлоди бўлиб вояга етмоқда. Бунда Юртбошимиз ташаббуси билан ҳаётга келдирилган этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими – мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари”, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг “Баркамол авлод” ва олий ўқув юртлари талабаларининг Универсиада спорт мусобақалари, айниқса, беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, шахматнинг мамлакатимизда жадал ривожланаётгани, ёшларимиз ўртасида тобора оммалашаётгани ва юртимиздан кучли шахматчилар етишиб чиқаётганини «ақл гимнастикаси» дея ардоқланадиган мазкур ўйиннинг уч босқичли узлуксиз спорт тизими мусобақалари дастурига киритилгани билан изоҳлаш мумкин. Бугун мамлакатимиз терма жамоаси сафида жаҳон миқёсидаги нуфузли беллашувларда муносиб дона сураётган шахматчиларнинг аксарияти ўқувчи ва талабаларнинг ана шу мусобақаларида кашф этилгани айни ҳақиқатдир.

– Сизнинг ортингиздан етишиб келаётган ёш шахматчиларимизнинг салоҳиятини қандай баҳолайсиз?

– Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши йиғилишида “XXI асрда ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, интеллектуал бойликка эга бўлган авлод ва халқгина жаҳон миқёсидаги бугунги кескин мусобақалда ғолиб бўла олади”. – деб алоҳида таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, бугун ёш авлодни юксак маънавиятли, кучли билимли, руҳан тетик, жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш давр талабидир. Шахмат – ўғил-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини намоён этадиган, кенг дунёқарашини шакллантирадиган ва уларга мустақил фикрлашни ўргатадиган спорт тури сифатида ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Зеро, шахмат билан шуғулланадиган одам ўткир билим ва зеҳн, кучли ирода, юксак маънавият соҳиби бўлиш билан бирга жисмоний машқлари орқали ўз танаси ва руҳини мунтазам чиниқтириб бориши керак.

Ёшлар мамлакати, деб эътироф этиладиган Ўзбекистонимиз истеъдод ва иқтидор эгаларига жуда бой. Қўллаб спорт турлари қаторида шахматда ҳам боланинг истеъдодини эрта пайқаш, унга ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиши, иқтидорини ривожлантириб бориши учун кенг имконият яратиш зарур. Юртимизда эса бу тизим яхши ривожланган. Хусусан, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятининг асосий йўналиши ҳам болаларнинг мунтазам спорт билан шуғулланишига шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Қолаверса, шахматда замонавий ахборот технологиялари ютуқларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, 15 ёшда ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатида ғолиб чиққан учун Президентимиз томонидан менга совға қилинган замонавий компьютер кучли шахматчи

Ушнингда муҳим восита бўлган. Ҳозир эса вазият ўзгарди. Бугун олти-етти ёшли болакайлар ҳам уйидаги шахмат компьютерлар билан бемалол тиллаша олади. Уларнинг махсус дастурлар орқали кучли шахматчилар фаолиятини таҳлил қилиб, тажриба ва маҳоратини ошириш имконияти юқори.

Мен ёш шахматчиларимиз билан тез-тез семинар-тренинг машғулотларини ўтказаман. Кузатиш ва таҳлилларим йилдан-йилга ёшларнинг маҳорати ва тажрибаси охирига бораётганини кўрсатмоқда. Бугун уларни осонликча мағлуб этиш мушкул. Тошкентда Вишванатан Ананд билан бўлиб ўтган ўзаро ўртоқлик учрашувидан сўнг иккалаамиз ҳам юртимизнинг энг истеъдодли ёш шахматчилари билан семинар-тренинг ўтказдик. Бир вақтда йигирма нафар ўғил-қизга қарши дونا сурган Вишванатан Ананд ўйиндан сўнг ёшларимизнинг салоҳияти, маҳорат ва истеъдодини юксак баҳолади. Семинар-тренингда 10 ёшли Темур Игонин ва мамлакатимиз хотин-қизлар терма жамоаси аъзоси Хулкар Тоҳиржонова қороналарда амалдаги жаҳон чемпиони устидан зафар кучди. В.Анандни мот қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Мен бир вақтнинг ўзида йигирма икки нафар ёш шахматчига қарши дона сурдим. Олти-етти ёшли ўғил-қизлар ҳам ақлли юришлари билан мени мураккаб вазиятга солиб қўйди. Айрим партияларда мағлубиятдан қутилиб қолиш учун бор маҳоратим ва тажрибамни ишга солдим. Бугун жаҳон чемпионлари ўтказётган семинар-тренингларда ўзини кўрсатиб, тажриба тўплаб ва маҳоратини ошираётган истеъдод эгалари келажакда юқори чўққиларни забт этишига чин дилдан ишонаман.

– Икки жаҳон чемпиони – Р.Қосимжонов ва В.Ананд ўртасидаги ўртоқлик учрашуви туфайли жаҳон афкор оммасининг эътибори яна юртимизга қаратилди. Сиз Ўзбекистоннинг шахмат оламида тутган ўрнини қандай баҳолайсиз?

– Амалдаги жаҳон чемпиони ва ФИДЕ рейтингида етакчилик қилаётган Вишванатан Ананд билан Тошкентда ўтказилган ўртоқлик учрашувимиз нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон спортидаги энг эътиборли ва муҳим воқеалардан бири сифатида эътироф этилди. Чунки икки жаҳон чемпионининг ўзаро дўстлик ўйини шахмат оламида жуда кам кузатилади. Шунингдек, мазкур учрашувга халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) президенти Кирсан Илюмжиновнинг келгани ҳам эътиборга молик. У ташрифидавомида юртимизда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, спорт, таълим ва маданият соҳасида изчил давом этаётган жараёнлар билан яқиндан танишди.

Халқаро спорт ташкилотлари мамлакатимизда спортни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни доимо юқори баҳолаб келади. ФИДЕ президенти К.Илюмжинов ҳам халқаро молиявий инқироз даврида ҳам Ўзбекистон иқтисодийги барқарор ривожланаётгани, мамлакатимизда спортни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани, спорт, таълим ва маданиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ эканини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашига Президентимиз Ислам Каримовнинг шахсан ўзи бошчилик қилаётгани, давлатимиз раҳбарининг ёш авлоднинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб етишиши учун кўрсатаётган улкан эътибор ва ғамхўрлигини юксак баҳолади.

Юртбошимиз раҳнамолигида спортни ривожлантириш борасида амалга оширалаётган кенг кўламли ишлар самарасида Ўзбекистон жаҳон спортида юқори мавқе ва катта обрў-эътиборга эга бўлди. Шахмат оламида ҳам юртимизнинг ўз ўрни бор.

Мен илгари жаҳоннинг кучли гроссмейстерлари Тошкентда дона суришини орзу қилардим. Чунки кучли шах-

шахматчиларнинг ўйинини бевосита кузатиш мамлакатда шахматнинг янада оммалашувиغا, ёш спортчиларнинг тажриба ва маҳорати тез ўсишига хизмат қилади. Биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган «Tashkent open» халқаро турнирининг ташкили этилиши орқали ниятим амалга ошганидан бахтиёрман. 2007 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур мусобақанинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Турнирда иштирок этиш учун юртимизга келаётган кучли гроссмейстерларнинг ўйини ёшларимиз учун тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда. Қолаверса, амалдаги жаҳон чемпиони Вишванатан Ананднинг Тошкентга келиб иқтидорли шахматчилар билан семинар-тренинг ўтказгани ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

– Сиз шахмат бўйича барча нуфузли мусобақалар – жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Осиё ўйинлари ғолиби, жаҳон шахмат олимпиадаси совриндорисиз. Маҳоратли шахматчи сифатида ўз олдингизга яна қандай мақсадларни қўйгансиз?

– Болалигимда жаҳон чемпиони бўлишни орзу қилардим. Мен 2004 йилда – 24 ёшимда ўз мақсадимга эришдим. Лекин одамда орзу-ният, мақсад тугамас экан. Шахматчи сифатида яна жаҳон шахмат тожини кийишни истайман. Жаҳон чемпионларининг чемпионлик тожини бой бериб, кейин уни яна қайтариб олгани шахмат тарихида кўп кузатилган. Лекин бу осон эмаслигини яхши тушаман. Шунинг учун ҳам ўз устимда кўпроқ ишлаб, тажриба ва маҳоратимни ошириб боришга ҳаракат қиляпман. Шахматда жаҳон чемпионлиги учун курашиш имкониятига эга бўлиш мураккаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтишга боғлиқ. Асосийси, мен шахмат ўйнашни давом эттирмоқдаман. Яна жаҳон чемпиони бўлиш учун тинмай меҳнат қиляпман.

Шу билан бирга Ўзбекистон терма жамоаси сафида жаҳон шахмат олимпиадаси, Осиё ўйинлари ва қитъа чем-

пионатлари каби нуфузли мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётганимдан бахтиёрман. Мен ўз ғалабаларим билан ўзбекистонлик мухлису мутахассисларни кўпроқ хушнуд этишни хоҳлайман. Ўз навбатида ўзбекистонлик шахматчиларнинг халқаро майдонда қўлга киритаётган ютуқларидан хурсанд бўламан. Айниқса, 2010 йили Гуанчжоуда ўтказилган Осиё ўйинларида шахмат бўйича жамоавий беллашувларда Нафиса Муминова, Ольга Собирова, Юлдуз Ҳамроқулова ҳамда Нодира Нодиржоновадан таркиб топган Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоасининг кумуш медалга сазовор бўлгани зўр муваффақият сифатида эътироф этилди ва бу юртимизда шахмат хотин-қизлар ўртасида ҳам жадал ривожланаётганидан далолат бермоқда.

– Бу йил Ватанимиз Мустақиллигининг йигирма йиллиги кенг нишонланади.

– Аввало, бугунги кунгача ниманики қўлга киритган бўлсак, буларнинг барчаси Истиқлол шарофатидандир. Аслида йигирма йил тарих учун жуда қисқа фурсат. Лекин мана шу вақт мобайнида Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда асрларга татигулик улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, биз спортчи сифатида жаҳон майдонларида ўзимиз туғилиб ўсган юрт шарафини ҳимоя қилиш имконига эга бўлдик. Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шаннини улуғланиши, байроғимиз баланд кўтарилиши, давлатимиз мадҳияси янграши ҳар бир ҳамюртимиз қалбида чексиз ғурур, фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдиради.

Менинг кучли шахматчи бўлишимда буюк алломалар етишиб чиққан шу муқаддас заминда туғилиб-ўсганим, томиримда шу шавкатли миллат қони оқиб тургани, феъл-атворим халқимизга хос интеллектуал салоҳият, мустақам ирода, шижоат, жасорат каби миллий хусусиятлар негизида шаклланишининг аҳамияти беқиёс, деб ўйлай-

ман. Нафақат шахс, балки халқнинг тараққиётида у
шароитган замин, ундаги маданий-маърифий муҳит, илм-
фай. тафаккур олами нечоғли ривожлангани муҳим ўрин
тутади. Мен Амир Темур, Абу Райҳон Беруний, Алишер
Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби жаҳон та-
риҳидун тараққиётига муносиб ҳисса қўшган буюк зот-
лар учун муқаддас Ватан бўлган ўзбек диёрида туғилиб
юганимдан фахрланаман.

Аминманки, бундан кейин ҳам ҳар бир соҳада бўлга-
ни каби спортда ҳам ютуқларимиз сони ва салмоғи ўсиб
бораверади. Чунки юртимизда навқирон авлоднинг би-
лим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғул-
ланиши, ўзи танлаган соҳа ва йўналишлар бўйича иқти-
дори ва салоҳиятини намойиш этиши, бир сўз билан айт-
ганда, комил инсон бўлиб вояга етиши учун барча имко-
ниятлар яратилган экан, бундан унумли фойдаланиб,
Ватанимиз равнақи учун хизмат қилиш – бизнинг фар-
қлидлик бурчимиздир.

РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВНИНГ ЮТУҚЛАРИ

1990 йил – ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони

1994 йил – Қатар пойтахти Дохада ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони.

1994 йил – Венгриянинг Сегед шаҳрида жаҳон биринчилигида бронза медаль соҳиби.

1995 йил – Бразилияда 16 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасидаги жаҳон биринчилигида бронза медаль соҳиби.

1996 йил – Макаода 20 ёшгача бўлганлар ўртасидаги Осиё чемпионатида 2-ўрин.

1996 йил – Голландияда халқаро турнирда шерикликда ғолиб.

1997 йил – Германиянинг Бад-Висзее шаҳрида «Бавария чемпионати»да

шерикликда учинчи ўрин.

1997 йил – Бирлашган Араб Амирликларида катта ёшлиларнинг Осиё

командалар чемпионатида ғолиб.

1997 йил – Францияда халқаро турнирда шерикликда ғолиб.

1997 йил – Франциянинг Тулуз шаҳридаги гроссмейстерлар турнирида ғолиб.

1997 йил – Ўзбекистон чемпиони.

1997 йил – Шахмат бўйича халқаро гроссмейстер талабини бажарди.

1998 йил – Голландиянинг Вейк-ан-Зее шаҳридаги «Hoogovens-B» халқаро турнири ғолиби.

1998 йил – Эрон пойтахти Техронда I Осиё чемпионатида ғолиб.

1998 – Қозоғистоннинг Остона шаҳрида жаҳон чемпионатининг минтақавий мусобақасида биринчи ўрин.

1999 йили – Арманистоннинг Ереван шаҳрида 20 ёшгача бўлганлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кумуш медаль соҳиби.

1999 йил – Голландиянинг Хоговен шаҳрида «VAM open» халқаро турнирида шерикликда ғолиб.

1999 йил – Голландиянинг Гронинген шаҳрида «Groningen open» халқаро турнирида иккинчи ўрин.

1999 йил – Голландияда «Sonnevanck 8th» халқаро турнирида иккинчи ўрин.

2000 йил – Ўзбекистон чемпиони.

2000 йил – Наманганда ўтказилган жаҳон чемпионатининг минтақавий мусобақасида ғолиб.

2000 йил – Туркияда ўтказилган жаҳон шахмат олимпиадасида шахсий биринчиликда бронза медаль совриндори.

2001 йил – Германиянинг Эссен шаҳридаги халқаро турнирда ғолиб.

2001 йил – ФИДЕ рейтингида 2706 очко соҳиби.

2002 йил – Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида Жаҳон кубоги мусобақасида кумуш медаль соҳиби.

2002 йил – Памплона шаҳридаги «Pamplona- 2002» халқаро турнирида ғолиб.

2003 йил – Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида «Commonwealth open» халқаро турнирида шерикликда иккинчи ўрин.

2003 йил – Германияда Mainz Ordix рапид турнирида учинчи ўрин.

2003 йил – Босниянинг Сараево шаҳридаги халқаро турнирда биринчи ўрин.

2003 йил – Голландиянинг Флиссинген шаҳрида «Vlissingen NZ open» халқаро турнири ғолиби.

2004 йил – Голландиянинг Дордрехт шаҳрида «Neskar Open» халқаро турнири ғолиби.

2004 йил – Люксембургда «Endergebnis Open» халқаро турнири шерикликда ғолиб.

2004 йил – Германияда «Neskar open» турнирида ғолиб.

2004 йил – Ливия пойтахти Триполида жаҳон чемпиони.

2004 йил – Ҳиндистоннинг Пуна шаҳрида «Пуна Интернэйшнл» супертурнирида иккинчи ўрин.

2004 йил – Голландиянинг Хеллевойтслус шаҳрида рапид – тезкор шахмат бўйича «НК– Рапид» халқаро турнирида ғолиб.

2005 йил – Леон шаҳрида тезкор шахмат бўйича «Leon – 2005» халқаро турнири ғолиби.

2006 йил – Таллинда халқаро рапид турнирида учинчи ўрин.

2006 йил – «Ilyumzhinov Cup» интернет турнирида учинчи ўрин.

2006 йил – Томск шаҳрида тезкор шахмат бўйича ўтказилган “А” сериясига кирувчи халқаро турнирда учинчи ўринни эгаллади.

2006 йил – Германиянинг Майнц шаҳрида шахмат фестивали доирасида тезкор шахмат – рапид бўйича ўтказилган “Ordix open» XIII халқаро турнири шерикликда ғолиб.

2006 йил – Аьяччо шаҳрида «Aiacciu Masters» беллашувларида учинчи ўрин.

2007 йил – Бастиада «Corsica Masters» рапид турнирида иккинчи ўрин.

2007 йил – Сочи шаҳрида шахмат бўйича клублар ўртасида ўтказилган Россия чемпионатида “Томск– 400” жамоаси сафида чемпион.

2007 йил – Испанияда шахмат бўйича чемпионлар лигаси – «Chess Champions League» мусобақасида учинчи ўрин.

2008 йил – жаҳон чемпионлиги учун учрашувда Вишванатан Анандга секундантлик қилди.

2009 йил – Нидерландиянинг Вейк– ан– Зее шаҳрида ўтказилган «Corus» анъанавий шахмат фестивалининг “В” гуруҳи беллашувларини Рустам Қосимжонов иккинчи ўринда якушлади.

2009 йил – Испаниянинг Сан– Себастьян шаҳрида ўн нафар кучли гроссмейстер иштирокидаги «Donostia» шахмат фестивалида тўртинчи ўрин.

2010 йил – Вишванатан Ананднинг чемпионлик учрашувида унга иккинчи мартаба секундантлик қилди.

2010 йил – Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларида рапид – тезкор шахмат бўйича олтин медаль соҳиби.

2011 йил – Францияда «Nancy International Blitz – 2011» блиц-турнирида иккинчи, рапид мусобақасида учинчи ўрин.

Рустам Қосимжонов шахмат оламида 1991 йилдан буён 2011 йил Вишванатан Ананд билан бўлган ўртоқлик учрашувининг тўртта партиясини қўшиб ҳисоблаганда жами 1058 та учрашувда дона сурган. Моҳир шахматчимиз шулардан 449 таси ғалаба ва 430 тасида дурангга эришган. 179 та партияда эса рақибларига имкониятни бой берган.

II БЎЛИМ

I. ШАХМАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

ҲИНДИСТОН ШАХМАТНИНГ ВАТАНИ

Шахматнинг тарихи бир ярим минг йилдан кам эмас. V-VI асрларда кашф этилган мазкур ўйин тури бугунги кунга келиб, бутун дунё бўйлаб оммалашган халқаро спорт турига айланган. Буюк мутафаккиримиз Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон» асарида шахматнинг вужудга келишини бир *брахманга* боғлайди. Беруний асарида келтирилган брахман воқеаси бўлган-бўлмаганидан қатъий назар, Ҳиндистон шахматнинг ватани ҳисобланади. Чунки замонавий шахматнинг дастлабки илдизлари Ҳинд заминида кашф этилган қадимий «*чатуранга*» ўйинига бориб тақалиши кўпчилик томонидан тан олинган.

Албатта, бугунги шахмат чатурангадан кескин фарқ қилади. Йиллар, йиллар кетидан асрлар ўтиши билан шахматнинг кўриниши ва қонун-қоидалари ўзгариб, мукаммаллашиб борди. Манбаларда ёзилишича, Ҳиндистондан чиққан шахмат Араб халифалиги даврида «*шатранж*» номи билан Шарқда янада оммалашган. Бу ўйин ҳар томонлама такомиллашиб, шахмат ёзуви кашф этилди. Бу ўз навбатида шахмат ўйинлари матнига оид қимматли маълумотларнинг вужудга келишига хизмат қилди.

...Дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган Ватанимиз заминида ҳам шахмат қадимдан ўйналган ўйин туридир. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида қайд этилганидек, Ўзбекистон заминида шахмат чуқур илдиз отганини тасдиқловчи манбалар мавжуд. 1972 йилда Сурхондарё вилоятидаги Далварзинтепа ёдгорлигида олиб борилган археологик қазишмалар вақтида *Кушон* даври, яъни I-II асрларга оид шахмат доналари, 1977 йилда Афросиёбада (Самарқанд) ўтказилган тадқиқотлар чоғида VII-VIII

асарларга тааллуқли еттита шахмат донаси топилган.

IX асрда яшаган араб олими ва шатранжчиси Ал-Ад-дийнинг ёзишича, шатранждаги инсон тафаккурини чеклаган шашхолдаги холларнинг тушишига қараб юриш, шашхолнинг бекор қилиниши ва бу ўйиннинг ривожланишида Ўрта Осиё халқлари муҳим роль ўйнаган. Абдулфатҳ Аҳмад ибн Сижзий эса «Шатранж китоби»да 119 йилда *Хуросонда* биринчи шахмат мусобақаси ўтказилган ва ўрта осиелик машҳур шатранж устаси Абу Бакр ас-Сулий голиб чиққани ҳақида маълумотларни ёзиб қолдирган.

Шунингдек, Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн», Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафос», «Лисон ут-тайр», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» каби тарихий асарларда шахмат (шатранж)га оид қимматли маълумотлар бор.

Буёқ соҳибқирон Амир Темур ҳам шахматга бефарқ бўлмаган. Соҳибқирон ҳукмронлик қилган даврида кучли шатранжчилар Самарқандда тўпланишган. *Табризилик* Али аш-Шатранжий (Оловиддин ат-Табризий) Самарқандда ўтказилган мусобақаларда кўп бора голиб чиққан. Шатранж ҳақида китоб ёзиб, унга ўзининг XIV асргача Ўрта Осиёда яшаган кўплаб олия (гроссмейстер)лар ҳақида маълумот берган. У соҳибқироннинг ўзи билан ҳам шатранж ўйнаб турган.

ШАХМАТ ЗАМОНАВИЙ СПОРТ ТУРИ

Шахмат айна пайтда энг оммавий спорт турларидан бири сифатида кенг тарқалган. Маълумотларга қараганда, дунё бўйича 500 миллион киши шахмат ўйнайди. Шахматнинг замонавий спорт тури кўринишига келишида европаликларнинг ҳиссаси катта бўлган. Бироқ шахмат «Кўҳна қитъа»га ҳам шарқдан кириб келгани тарих-

дан маълум. VIII-IX асрлар давомида «шатранж» араблар орқали аввал Испанияда, кейинчалик бир неча уйилликлар давомида Португалия, Италия ва Франция ҳудудларига ёйилди. XI асрда эса шахмат Европа ва Скандинавия халқлари орасида анча оммалашган эди. Шатранж қонун-қоидалари Европада янада такомиллаштирилди ва XV асрга келиб, замонавий шахматнинг илк кўринишлари пайдо бўлди ва шахмат бўйича кам бўлса-да, турли беллашувлар ўтказила бошланди. Ушунга мусобақаларда ўзини кўрсатган Луис Рамирес де Лусена, Руй Лопес де Сегура, Жованни Леонардо да Кутри, Жоакино Греко, Франсуа Филидор, Луи Шарль Маэ де Лабурдонне, Говард Стаунтон каби шахматчилар XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг ўрталарида Европанинг энг кучли шахматчилари сифатида танилди.

1851 йилда Лондонда шахмат бўйича биринчи йирик халқаро мусобақа ташкил этилди. Жаҳоннинг кўплаб кучли шахматчилари қатнашган мазкур турнирда Адольф Андерсен ғолиб чиқди ва расман бўлмаса-да, дунёнинг энг кучли шахматчиси, деб тан олинди. Адольф Андерсен чемпионлик унвонини 1858 йилда Пол Чарлз Морфига бой берди. Кейинроқ уни яна ўзига қайтариб олган Андерсен иккинчи мартаба 1866 йилда Вильгельм Штейницга ютқазди.

II. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТЛАРИ ТАРИХИ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Вильгельм Штейниц расман 1886 йилда жаҳон чемпиони, деган номга сазовор бўлди. Маълумотларга кўра, 1886 йилда Иоганн Цукерторт ва Вильгельм Штейниц ўртасидаги учрашувни ўтказиш тўғрисидаги келишувда «жаҳон биринчилиги учун» деган ибора ишлатилган. Шунинг тариқа «шахмат бўйича жаҳон чемпиони» деган расмий ибора пайдо бўлди. Ушунга чемпионлик учрашувидан зафар

қўлган В.Стейниц эса биринчи расмий жаҳон чемпиони сифатида тарихда қолди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Стейниц донa сурдан даврдан 1948 йилгача жаҳон чемпионини аниқлашнинг аниқ тизими шаклланмаган эди. Амалдаги жаҳон чемпиони ким билан, қачон ва қерда ўйнашни, мусобақа шартларини ўзи белгиларди. Ана шу асосда ўтказилган чемпионлик учрашувларида ғалаба қозонган Эмануил Ласкер, Хосе Рауль Капабланка, Александр Алёхин ва Макс Эйве ҳам чемпионлик тожини кийди.

1946 йилда амалдаги жаҳон чемпиони Александр Алёхин вафот этгач, орадан икки йил ўтиб, Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) жаҳон чемпионатини ўтказиш масъулиятини ўзига олди. 1924 йил 20 июлда Франциянинг Париж шаҳрида ташкил этилган бу ташкилот шахматнинг дунё бўйлаб оммалаштириш ва ривожлантириш, халқаро миқёсдаги мусобақалар, жумладан, жаҳон чемпионатларини ташкиллаштиришга масъул ҳисобланади.

ФИДЕ уюштирган жаҳон чемпионатида ўша даврнинг энг кучли бешта шахматчиси ўзаро донa сурди ва улар ўртасида катта устунликка эга бўлган Михаил Ботвинник Алёхиндан қолган чемпионлик тожига эга чиқди. Халқаро шахмат федерацияси 1948 йилдан 1993 йилгача жаҳон чемпионини аниқлаш тизимини ўз назоратида ушлаб турди. Бу даврда Василий Смилов, Михаил Таль, Тигран Петросян, Борис Спасский, Роберт Фишер, Анатолий Карпов ва Гарри Каспаров жаҳон чемпионлигига сазовор бўлди.

1993 йилга келиб, ФИДЕ учун мураккаб давр бошланди. Амалдаги жаҳон чемпиони Гарри Каспаров ва саралаш мусобақаси ғолиби Найжел Шорт ФИДЕ шафёлиги остида жаҳон чемпионлиги учун донa суришдан бош тортди. Улар ўзаро бирлашиб, янги ташкилот – Професионал шахмат ассоциациясини тузишди ва ўзаро чемпионлик учрашувини ўтказишди. Айнан мана шу воқеалар туфайли шахмат оламида кескинликлар вужудга кел-

ди. ФИДЕ Гарри Каспаровни чемпионлик унвонидан маҳрум қилди. Халқаро ташкилот янги жаҳон чемпионини аниқлаш учун Анатолий Карпов ва Ян Тимман ўртасида чемпионлик учрашувини ўтказди. Учрашувда Карпов зафар кучди ва ФИДЕ йўналиши бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Лекин Профессинал шахмат ассоциацияси шафёблигида ўтказилган учрашувда Найжел Шортни енгган Гарри Каспаров ҳам ўзини амалдаги жаҳон чемпиони, деб ҳисобларди. Тез орада Профессинал шахмат ассоциацияси барбод бўлди. Лекин Г.Каспаров жаҳон шахмат тожи соҳибини аниқлашнинг эски усулини қайта тиклади. Унга кўра, чемпион рақибини, учрашув жойи ва вақтини ўзи танлади. Г.Каспаров 2000 йилда ана шундай учрашувда Владимир Крамникка чемпионликни бой берди. Энди шахмат оламида янги ибора – «классик шахмат бўйича жаҳон чемпиони», деган ном пайдо бўлди ва у фақатгина амалдаги жаҳон чемпионини енгич орқали қўлга киритиларди.

Халқаро шахмат федерацияси эса 1996 йилда жаҳон чемпионини аниқлашнинг янгича усули - нокаут-тизимда турнир ўтказишни йўлга қўйди. Лекин бу усул ҳам Гарри Каспаров ва Владимир Крамникка маъқул келмади. Илк бор нокаут-тизимда ўтказилган турнирда Анатолий Карпов амалдаги жаҳон чемпиони сафатида тўғридан-тўғри финалда ўйнади ва унвонини муносиб ҳимоя қилди. Лекин кейинчалик жаҳон чемпионининг тўғридан-тўғри финалда ўйнаш имтиёзи бекор қилинди. Энди чемпион ҳам, даъвогарлар ҳам нокаут турнирнинг бошидан бошлаб дона суриши лозим эди. Буни қабул қилмаган амалдаги чемпион Анатолий Карпов ФИДЕнинг янги қондаси бўйича мусобақада дона суришдан бош тортди. Натижада 1999 йили ФИДЕ версияси бўйича жаҳон чемпионлиги россиялик Александр Халифманга, 2000 йилда ҳиндистонлик Вишванатан Анандга, 2002 йилда Руслан Пономарёвга ва 2004 йилда ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновга насиб қилди.

Қуйидаги жадвалларда дунёнинг турли йиллардаги
10 кучли шахматчилари келтирилган.

Расмий жаҳон чемпионатларига қадар дунёнинг энг
кучли шахматчилари:

№	Чемпион	Чемпион-лик йиллари	Ҳаёт йиллари	Давлати
1	Луис Рамирес де Лусена	1495 йиллар атрофида	1465-1530 йиллар атрофида	Испания
2	Руй Лопес де Сегура	1560-1575 йилларда	1540-1580 йиллар атрофида	Испания
3	Джованни Леонардо да Кутри	1575-1587 йиллар	1542-1587 йиллар	Неаполитан қироллиги
4	Джоакино Греко	1619-1634 йиллар	1600-1634 йиллар	Неаполитан қироллиги
5	Франсуа Филидор	1747-1795 йиллар	07.09.1726-31.08.1795	
6	Луи Шарль Маэ де Лабурдонне	1820-1840 йиллар	1785-13.12.1840	Франция
7	Говард Стаунтон	1843-1851 йиллар	тахминан 1810-22.06.1874	Буюк Британия
8	Адольф Андерсен	1851-1858, 1862-1866 йиллар	06.07.1818-13.03.1879	Пруссия
9	Пол Чарлз Морфи	1858-1862 йиллар	22.06.1837-10.07.1884	АҚШ
10	Вильгельм Стейнниц	1866-1886 йиллар	14.05.1836-12.08.1900	Австро-Венгрия

Расмий жаҳон чемпионатлари ғолиблари:

№	Чемпион	Чемпион-лик йиллари	Ҳаёт йиллари	Давлати
1	Вильгельм Стейнш	1886-1894	14.05.1836-12.08.1900 й.й.	Австро-Венгрия, АҚШ
2	Эмануил Ласкер	1894-1921	24.12.1868-11.01.1941	Германия
3	Хосе Рауль Капабланка	1921-1927	19.11.1888-08.03.1942	Куба
4	Александр Алехин	1927-1935 1937-1946	31.10.1892-24.03.1946	Франция
5	Макс Эйве	1935-1937	20.05.1901-26.11.1981	Голландия
6	Михаил Ботвинник	1948-1957 1958-1960 1961-1963	17.08.1911-05.05.1995	Собиқ Иттифоқ
7	Василий Смыслов	1957-1958	24.03.1921-27.03.2010	Собиқ Иттифоқ
8	Михаил Таль	1960-1961	09.11.1936-28.06.1992	Собиқ Иттифоқ
9	Тигран Петросян	1963-1969	17.06.1929-13.08.1984	Собиқ Иттифоқ
10	Борис Спаский	1969-1972	30.01.1937	Собиқ Иттифоқ
11	Роберт Фишер	1972-1975	09.03.1943-17.01.2008	АҚШ
12	Анатоллий Карпов	1975-1985	23.05.1951	Собиқ Иттифоқ
13	Гарри Каспаров	1985-1993 (1991-1993)	13.04.1963	Собиқ Иттифоқ, Россия

**Профессионал шахмат уюшмаси версияси бўйича
жаҳон чемпионлари:**

№	Чемпион	Чемпион-лик йиллари	Ҳаёт йиллари	Давлати
1	Гарри Каспаров	1993-2000	13.04.1963	Россия
2	Владимир Крамник	2000-2006	25.06.1975	Россия

ФИДЕ версияси бўйича жаҳон чемпионлари:

№	Чемпион	Чемпион-лик йиллари	Ҳаёт йиллари	Давлати
1	Анатолий Карпов	1993-1999	23.05.1951	Россия
2	Александр Халифман	1999-2000	18.01.1966	Россия
3	Вишванатан Ананд	2000-2002	11.12.1969	Ҳиндистон
4	Руслан Пономарёв	2002-2004	11.10.1983	Украина
5	Рустам Қосимжонов	2004-2005	05.12.1979	Ўзбекистон
6	Веселин Топалов	2005-2006	15.03.1975	Болгария

Расмий жаҳон чемпионлари:

№	Чемпион	Чемпион-лик йиллари	Ҳаёт йиллари	Давлати
1	Владимир Крамник	2006 - 2007	25.06.1975	Россия
2	Вишванатан Ананд	2007 йилдан - ҳозиргача	11.12.1969	Ҳиндистон

III РЕКОРДЛАР ВА РАҚАМЛАР

ШАХМАТ ОЛАМИНИНГ РЕКОРДЛАРИ

Эмануил Ласкер энг узоқ муддат – 27 йил (1894 – 1921 йиллар) жаҳон шахмат тожини ўзида ушлаб турди. Шунингдек, Э.Ласкер жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган учрашувларда энг кўп – етти мартаба ғалаба қозонган.

Александр Алёхин мағлубиятга учрамасдан вафот этган ягона жаҳон чемпионидир.

Роберт Фишер даъвогар шахматчи билан куч синашишдан бош тортгани учун чемпионлик унвонини маҳрум этилган биринчи жаҳон чемпиони. Лекин у ҳеч кимдан мағлубиятга учрамагани учун ўзини жаҳон чемпиони, деб ҳисоблаган ва 1992 йилда Борис Спасскийга қарши ўтказган учрашувини чемпионлик баҳси, деб атаган.

Анатолий Карпов ўзидан олдинги жаҳон шахмат тожи соҳиби билан чемпионлик учун бирорта партия ўйин ўтказмаган ва жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган беллашувда амалдаги жаҳон чемпиони енгмаган ягона чемпион.

Руслан Пономарёв энг ёш жаҳон чемпионидир. У 18 ёшлигидаёқ жаҳон шахмат тожига эга чиққан.

Илк маротаба 1948 йилдан чемпионликка эришган Михаил Ботвинник икки марта шахмат тожини бой бериб, уни яна қайтариб олган.

Анатолий Карпов ва Гарри Каспаров жаҳон чемпионлиги учун энг кўп - ўзаро беш маротаба рақобатлашган. Учта учрашувда Каспаров ғалаба қозонган, биттасида дуранг қайд этилган ва бир учрашув охиригача давом эттирилмаган.

Жаҳон чемпионлигига эришиш учун энг кам вақтни Руслан Пономарёв сарфлаган. Беш ёшидан шахмат билан шуғулланган Руслан ўн уч йилдан сўнг, яъни 18 ёшида мақсадига етди.

Вишванатан Ананд учта формат бўйича чемпионликка эришган ягона шахматчидир. Ҳиндистонлик гроссмейстер 2000 йили нокаут-тизимда ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолиб чиққан. 2007 йилда даврали турнирда ғолиб чиқди ва 2008 йили Владимир Крамник, 2010 йили Веселин Топаловга қарши ўтказилган чемпионлик учрашувларида шахмат тожини муваффақиятли ҳимоя қилди.

ШАХМАТ СОЛНОМАСИ

1495 йил – Валенсияда Франсеск Висентанинг (Francesc Vicent) «Llibre dels jochs partits dels schachs» китоби нашр этилди.

1497 йил – Лусена китоби – шахматдаги дебютларга бағишланган Европадаги биринчи нашр.

1512 йил – Дамиано Италияда биринчи шахмат китобини чоп эттирди.

1550 йил – Италияда биринчи шахмат клуби ташкил этилди.

1561 йил – Испаниялик шахматчи Руй Лопес де Сегура илк маротаба «гамбит» терминини ишлатди.

1575 йил – Мадрид шаҳрида қирол саройида илк шахмат мусобақаси ўтказилди.

1744 йил – Париж шаҳрида кучли шахматчи Филлдор икки рақибга қарши ўйин тахтасига қарамай дона сурди.

1779 йил – АҚШда шахматга бағишланган биринчи мақолани Бенжамин Франклин ёзди.

1791 йил – Россияда биринчи шахмат китоби чоп этилди.

1836 йил – Парижда биринчи шахмат журнали La Palamede олам юзини кўрди.

1840 йил – Инглиз тилидаги биринчи журнал Chess Player's Chronicle.

1846 йил – Немисча биринчи журнал Deutsche Schachzeitung.

1851 йил – 7-15 июль кунлари биринчи халқаро шахмат турнири Лондонда ўтказилди.

1857 йил – АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида биринчи миллий шахмат турнири Морфи ғалабаси билан якунланди.

1861 йил – 6 октябрь куни Нью-Йоркда биринчи Америка шахмат конгресси ўтказилди.

1866 йил – Британиянинг биринчи расмий чемпионати ўтказилди.

1867 йил – Париждаги турнирда илк маротаба шахмат соатидан фойдаланилди.

1873 йил – Венадаги мусобақада «тай-брейк»дан фойдаланилди.

1878 йил – Биринчи бор телефон орқали шахмат партияси ўйналди.

1881 йил – British Chess Magazine нашри чоп этила бошланди.

1881 йил – Ливерпуль ва Калькутта шаҳарлари телеграф орқали ўзаро биринчи халқаро матч ўтказдилар.

1895 йил – Цюрихда Швейцария тизими бўйича биринчи турнир ўтказилди.

1897 йил – Лонда хотин-қизлар ўртасидаги биринчи халқаро турнирда Мари Рудж ғалаба қозонди.

1905 йил – Остендаги турнирда биринчи маротаба «гроссмейстер» ибораси ишлатилди.

1925 йил – Москвада шахматга бағишланган биринчи фильм ишланди.

1947 йил – Болгарияда шахматга бағишланган марка чиқарилди.

1947 йил – А. Тьюринг компьютерлар учун шахмат дастурини яратди.

1970 йил – Компьютерлар ўртасида биринчи шахмат турнирини.

1976 йил – Катта мусобақаларда тамаки чекиш тақиқланди.

1997 йил – Deep Blue компютери жаҳон чемпионини енгди.

III БЎЛИМ

I. ЎЗБЕК ШАХМАТ МАКТАБИ

ЗАМОНАВИЙ ШАХМАТ ЎЗБЕКИСТОНДА

Рустам Қосимжоновнинг жаҳон шахмат тожини қўлга киритиши Ўзбекистонда кучли шахмат мактаби шаклланишини бутун дунёга намоён этди. Гарчи «шатранж» ўйини мамлакатимиз ҳудудида қадимдан маълум ва машҳур бўлса-да, XX асрнинг йиғирманчи йилларидан Ўзбекистонда шахматнинг замонавий қодалари кенг тарғиб этила бошланди ва бу мамлакатда шахматни янада ривожланишига тўртки берди. Тошкент, Самарқанд, Қўқон ва бошқа шаҳарларда шахмат тўғарақлари очилди. Азмиддин Хўжаев, Сергей Фрейман, Пулат Саидхонов, Зокир Хўжаев кабилар шахматни тарғиб этишда жонкуярлик кўрсатишди.

Шахмат бўйича эркаклар ўртасида Ўзбекистон чемпионатларини ўтказиш 1930 йилдан бошланди. Беш йилдан сўнг хотин-қизлар иштирокида ҳам республика биринчиликлари ташкил этилди. Чемпионатларда Александр Грушевский ва Лариса Пинчук энг кўп – саккиз мартадан чемпион бўлишди.

Ўз даврининг етакчи шахмат усталари – Сало Флор, Тигран Петросян, Пауль Керес, Александр Котов, Марк Тайманов, Виктор Корчной, Анатолий Карпов сингари таниқли гроссмейстерлар мамлакатимизга келиб, ўз тажриба ва маҳоратлари билан ўртоқлашиши, истеъдодли шахматчиларимиз билан ўйин сеансларини ўтказиши, мусобақаларда қатнашиши ҳам бу спорт турининг юртимизда янада оммалашиши ва шахматчиларимизнинг тажриба ва маҳоратини ошишига ижобий таъсир кўрсатди.

XX асрнинг эллагинчи йилларидан бошлаб Мамажон Муҳитдинов, Улуғбек Элбеков, Сергей Пинчук, Алек-

сандр Грушевский. Роман Ким каби шахмат жонкуярларининг янги авлоди вояга етди. Республика шахмат-шашка клуби фойдаланишга топишириди, турли тоифадаги мусобақалар ўтказила бошланди, газета-журналларда шахмат рукнлари, Ўзбекистон телевидениесиде шахмат кўрсатуви очилди, шахматга оид китобларни нашр этиш йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда юз берган шахмат тараққиёти самарасиде шахматчиларимизнинг халқаро майдондаги ғалабалари сони ва салмоғи ҳам ошиб борди. Икки карра Ўзбекистон чемпиони Георгий Аъзамов 1984 йилда Марказий Осиё мамлакатлари шахматчилари ўртасиде биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонини олди.

ГЕОРГИЙ АЪЗАМОВ – ЎЗБЕКИСТОНЛИК БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР

Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕ «шахмат бўйича халқаро гроссмейстер» унвонини 1949 йилда таъсис этган. Шахмат оламида спортчилар учун энг олний ҳисобланган халқаро гроссмейстер унвони эркакларга 1950, хотин-қизларга 1976 йилдан бериледи. ФИДЕ халқаро гроссмейстер унвонини нуфузли халқаро мусобақаларда юқори натижаларни қайд этган шахматчиларга умрбод беради.

Георгий Аъзамов 1954 йилнинг 6 сентябрида Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида жарроҳ Тожихон Аъзамов оиласиде дунё келди. Уч ака-ука – Вячеслав, Валерий ва Георгий болалигидан шахматга меҳр қўйди. Улар ўртасиде энг кенжаси – Георгийнинг истездоди акалариникига нисбатан кучлироқ эди. Қаҳраонимиз 11 ёшлигида катталар ўртасиде Олмалиқ шаҳри чемпионатида зафар кучди. Мутахассислар Георгий Аъзамов шахмат тахтасиде мустаҳкам ҳимояланиши ва доимо ғалабага интилганини алоҳиде таъкидлайдилар.

Г.Аъзамов спорт устаси меъёрини 19 ёшида бажарди. Институтни битиргандан сўнг Георгий асосий эътиборни шахматдаги билимларини кучайтиришга қаратди. Унда экстра-классдаги шахматчи бўлиб етишиш имконияти пайдо бўлди.

Моҳир шахматчимиз 1981 йил ўтказилган Спартакиадада ўз вақтида жаҳон чемпионлигига сазовор бўлган шахматчилар – М.Таль, Т.Петросян ва Б.Спасскийга қарши дона сурди. Ҳаш мусобақада тўққиз имкониятдан тўрт ярим очко жамғарган Георгийда ўз кучига ишонч пайдо бўлди. Кейинчалик Георгий Аъзамов олтита йрик халқаро турнирда ғалаба қозонди ва гроссмейстерлик меъёрини бажарди. 1984 йили Грециянинг Салоники шаҳрида ўтказилган ФИДЕ Конгрессида Георгий Аъзамов халқаро гроссмейстер унвони берилди.

– Мен бу ўйинни жуда яхши кўраман. Эсимни таниганимдан буён тахта устида бор эътиборимни сарфлаб, ўз устимда ишлашда ҳеч қачон эринчоқлик қилмаганман. – деган эди Г.Аъзамов.

Бироқ Г.Аъзамов анча қисқа умр кўрди. 1986 йилнинг 27 августида Севастополь шаҳри яқинида ҳаётдан кўз юмди. Георгий Аъзамов қисқа умр кўрганига қарамай, мамлакатимизда шахматни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди.

Ўзбекистон шахмат федерацияси гроссмейстер Г.Аъзамовни хотирлаш, мамлакатимизда “ақл гимнастикаси”ни янада оммалаштириш, шахматчиларимизнинг халқаро тажрибаси, маҳорати ва малакасини ошириш мақсадида 2007 йилдан буён Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган “Tashkent open” халқаро турнирни ўтказиб келмоқда.

Шунингдек, кейинчалик ўзбекистонликлардан Валерий Логинов, Александр Ненашев, Григорий Серпер, Сергей Загребельний, Сайдали Йўлдошев, Алексей Барсов, Михаил Салтаев, Рустам Қосимжонов, Рена Мамедова, Шухрат Сафин, Марат Жумаев, Дмитрий Қаюмов, Еле-

на Крючкова, Темур Гареев Антон Филиппов, Сергей Қаюмов, Алексей Барсов, Тоҳир Воҳидов каби шахмат усталарида ҳам халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлди.

ШАХМАТ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасида шахмат тараққиёти янги босқичга кўтарилди. Истиқлол шарофати билан серқуёш юртимизда тарбияланган спортчилар халқаро майдонда ўзлари туғилиб ўсган юрт шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Энди ўзбекистонлик спортчилар жаҳон ареналарида ўзгача интиёқ билан ғалабага интиладиган бўлдилар.

Доимо кучли шахмат мактабига эга бўлган мамлакатимизда тарбияланган спортчиларимиз ҳам истиқлол йилларида Халқаро шахмат федерацияси шафёлигида ўтказилаётган барча расмий мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Ҳамюртларимиз шахмат оламидаги дастлабки йирик ғалабасига 1992 йили Филиппин Пойтахти Манила ўтган 30-жаҳон шахмат олимпиадасида эришди. Валерий Логинов, Григорий Серпер, Александр Ненашев, Сергей Загребельний, Михаил Салтаев ва Сайдали Йўлдошевдан таркиб топган терма жамоамиз нуфузли мусобақада иккинчи ўринни эгаллаб, жаҳон шахмат олимпиадасининг кумуш медалига сазовор бўлган.

Кейинчалик ўзбекистонлик шахматчиларнинг жамоавий ва якка тартибда эришган муваффақиятлари сони янада ошди.

Шахматчиларимизнинг истиқлол йилларида халқаро мусобақаларда қўлга киритган ютуқлари:

Иштирокчи	Мусобақа ўтказилган йил	Мусобақа ўтказилган Жой	Мусобақа номи	Мусобақада қайл этилган натижа
Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси	1992 йил	Манила, Филиппин	30-жаҳон шахмат олимпиадаси	2-ўрин – кумуш медаль
Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси	1993 йил	Куала-Лумпур, Малайзия	Жамоалар ўртасида Осиё чемпиони	2-ўрин – кумуш медаль
Рустам Қосимжонов	1994 йил	Сегед, Венгрия	Ўн олти ёшгача булганлар ўртасида жаҳон чемпионати	3-ўрин – бронза медаль
Рустам Қосимжонов	1995 йил	Куритиба, Бразилия	Ўн олти ёшгача булганлар ўртасида жаҳон чемпионати	2-ўрин – кумуш медаль
Рустам Қосимжонов	1995 йил	Доха, Қатар	Ўн олти ёшгача булганлар ўртасида Осиё чемпионати	1-ўрин – олтин медаль
Рустам Қосимжонов	1996 йил	Макао	Йигирма ёшгача булганлар ўртасида Осиё чемпионати	2-ўрин – кумуш медаль
Рустам Қосимжонов	1998 йил	Техрон, Эрон	Эркаклар ўртасида Осиё чемпионати	1-ўрин – олтин медаль

Иброҳим Ҳамроқулов	1998 йил	Испания	Ҳн олти ёшгача булганлар ўрта- сида жаҳон чемпионати	1-ўрин олтин медаль
Антон Филиппов	1998 йил	Раст, Эрон	Ҳн икки ёшгача булганлар ўрта- сида Осиё чем- пионати	1-ўрин олтин медаль
Ўзбекистон эркаклар герма жамоаси	1999 йил	Шеньян, Хитой	Жамоалар ўрта- сида Осиё чем- пионати	1-ўрин олтин медаль
Ольга Сон	1999 йил	Наманган, Ўзбекистон	Ҳн олти ёшгача булганлар ўрта- сида Осиё чемпионати	1-ўрин олтин медаль
Леонид Козак				2-ўрин кумуш медаль
Рустам Қосимжонов	2000 йил	Истанбул, Туркия	Жаҳон шахмат олимпиадаси	Шахсий биринчи- ликда 3-ўрин бронза медаль.
Ўзбекистон эркаклар гер- ма жамоаси	2001 йил	Ереван, Арманис- тон	Жамоалар ўрта- сида жаҳон биринчилиги	6-ўрин
Сайдали Йўлдошев	2001 йил	Калькутта, Ҳиндистон	Эркаклар ўрта- сида Осиё биринчилиги	2-ўрин кумуш медаль
Антон Филиппов	2001 йил	Доха, Қатар	Ҳн олти ёшгача булганлар ўрта- сида Осиё чем- пионати	1-ўрин олтин медаль

Ўзбекистон Ўсмирлар гер- ма жамоаси	2001 йил	Куала- Лумпур, Малайзия	Ўн олти ёшгача бўлганлар ўрта- сида Бутунжаҳон шахмат Олим- пиадаси	3-ўрин бронза медаль
Юлдуз Ҳамроқулова	2003 йил	Фарғона, Ўзбекистон	Ўсмирлар ўрта- сида Осиё чем- пионати	3-ўрин бронза медаль
Рустам Қосимжонов	2004 йил	Триполи, Ливия	Эркаклар ўрта- сида жаҳон чем- пионати	1-ўрин – олтин медаль
Антон Филиппов	2004 йил	Техрон, Эрон	Ўн саккиз ёшга- ча бўлганлар ўртасида Осиё чемпионати	1-ўрин – олтин медаль
Юлдуз Ҳамроқулова	2005 йил	Бельфор, Франция	Ўн олти ёшгача бўлганлар ўрта- сида жаҳон чемпионати	3-ўрин – бронза медаль
Евгений Пак, Нодира Нодиржонова	2005 йил	Наманган, Ўзбекистон	Ўн олти ёшгача бўлганлар ўрта- сида Осиё чемпионати	2-ўрин – кумуш медаль 3-ўрин – бронза медаль
Нодира Нодиржонова	2006 йил	Бишкек, Қирғизис- тон	Ўн олти ёшгача бўлганлар ўрта- сида Осиё чем- пионати	3-ўрин – бронза медаль
Ўзбекистон Ўсмирлар гер- ма жамоаси	2006 йил	Газиантеп, Туркия	Ўн олти ёшгача бўлганлар ўрта- сида Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаси	4-ўрин.

Юлдуз Ҳамроқулова	2007 йил	Анталья, Туркия	Ҳн саккиз ёшгача булганлар ўрта- сида жаҳон чемпионати	3-5 ўришлар.
Андрей Квоп, Юлдуз Ҳамроқулова	2007 йил	Тошкент, Ўзбекистон	Ҳн саккиз ёшгача булганлар ўрта- сида Осиё чемпионати	1-ўрин – олтин медаль 2-ўрин – кумуш медаль
Антон Филиппов, Нафиса Мўминова	2007 йил	Тошкент, Ўзбекистон	Жаҳон Кубоги саралаш босқичи – Минтақавий чемпионат (3.4 минтақасида)	1-ўрин. – олтин медаль 1-ўрин – олтин медаль
Жаҳонгир Воҳидов, Олег Артёменко	2007 йил	Ал-Айн, БАА	Ҳн икки ёшгача булганлар ўрта- сида Осиё чемпионати	2-ўрин – кумуш медаль, 3-4- ўришлар
Ўзбекистон ўсмирлар герма жамоаси	2007 йил	Сингапур	Ҳн олти ёшгача булганлар ўрта- сида Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаси	4-ўрин.
Нафиса Мўминова, Сарвиноз Қурбонбосва, Ортиқ Неъматов, Ўзбекистон ўсмирлар герма жамоаси	2008 йил.	Техрон, Эрон	Ўсмирлар ўрта- сида Осиё чемпионати	2-ўрин – кумуш медаль, 2-ўрин – кумуш медаль, 2-ўрин – кумуш медаль, умумжа- моа ҳисо- бида ик-

				кинчи ўрин.
Ўзбекистон ўсмирлар герма жамоаси	2008 йил	Агри, Туркия	Ўн олти ёшгача бўлганлар ўртасида Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаси	4-ўрин.
Нодира Нодиржонова	2008 йил	Дрезден, Германия	Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаси	Хотин-қизлар ўртасида халқаро гроссмейстер талаби учун икки балли қўлга киритди
Ўзбекистон герма жамоаси	2009 йил	Ханой ва Хошимин, Вьетнам	Ёлиқ иншоотлардаги Осиё ўйинлари	3-ўрин. – бронза медаль
Антон Филишов, Нафиса Мўминова	2009 йил	Тошкент, Ўзбекистон	Жаҳон Кубоги саралаш босқичи – Минтақавий чемпионат (3.4 минтақасида)	2-ўрин – кумуш медаль. 1-ўрин – олтин медаль
Жаҳонгир Воҳидов, Олег Артёменко, Сарвиноз Қурбонбосва	2009 йил	Деҳли, Ҳиндистон	Ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати	2-ўрин – кумуш медаль. 2-ўрин – кумуш медаль. 3-ўрин – бронза медаль
Ўзбекистон ўсмирлар герма жамоаси	2009 йил	Ахесар, Туркия	Ўн олти ёшгача бўлганлар ўртасида Бутун-	6-ўрин.

			жаҳон шахмат Олимпиадаси	
Ўзбекистон ўсмирлар тер- ма жамоаси	2009 йил	Екатерен- бург, Россия	ШХТга аъзо дав- латлари ўртаси- да ўсмирлар хал- қаро турнири	1-ўрин – олтин медалъ
Нафиса Мўминова, Александр Касьян	2010 йил	Чотова, Польша	Йигирма ёшгача булганлар ўрта- сида жаҳон чемпионати	4-ўрин. Хотин- қизлар ўртасида халқаро гроссмейс- тер тала- бини ба- жарди. Эркаклар ўртасида халқаро гроссмейс- тер тала- бини ба- жарди.
Темур Игонин, Нодирбек Ёқуббоев	2010 йил	Пекин, Хитой	Ўсмирлар ўрта- сида Осиё чем- пионати	1-3-ўрин- лар – брон- за медалъ 3-ўрин – бронза медалъ
Нодирбек Ёқуббоев	2010 йил	Порто- Карас, Грешия	Саккиз ёшгача булганлар ўрта- сида жаҳон чемпионати	6-ўрин.
Рустам Қосимжонов, Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси	2010 йил	Гуанчжоу, Хитой	XVI Осиё ўйинлари	1-ўрин – олтин медалъ. 2-ўрин – кумуш медалъ

Антон Филиппов	2011 йил	Тошкент, Ўзбекистон	Жаҳон Кубоги саралаш босқичи – Минтақавий чемпионат (3.4 минтақасида)	1-урин. Олтин медаль, жаҳон кубогига йўлланма
Андрей Квоп				3-урин. Бронза медаль,
Нафиса Муминова				3-урин. Бронза медаль
Нодирбек Абдусатторов	2011 йил	Филиппин	8 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати	3-урин. Бронза медаль
Жаҳонгир Воҳидов				3-урин. Бронза медаль
Дилбар Ҳамроева				3-урин. Бронза медаль
Темур Игонин				4-урин
Нодирбек Ёқуббоев				5-урин
Нодирбек Абдусатторов	2011 йил	Филиппин	8 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати (блиц).	2-урин. Кумуш медаль
А. Бекмуродов				3-урин. Бронза медаль
Гуларуҳ Тоҳиржонова				3-урин. Бронза медаль

II. РУСТАМ – ФУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

СУЯНЧИҚ

Рустам голиб бўлди,
Рустам – чемпион!
Фурур, шавқ, ҳаяжон ҳар бир юракда.
Хаёлдан кечирди аллаким шу он:
– Бирор суянчиғи бўлса керакда . . .

Суянчиқ!
Албатта, шундай юксакка
Ким етар, бўлмаса суянган тоғи.
Рустам якка жангда бўлмади якка,
Уни суяб турди элнинг ардоғи.

Олий шонли тарих,
Боболар руҳи,
Ёш жонига қудрат берди беадад.
Жавлон урармиди арсада руҳи,
Соҳибқирон ўзи бўлмаса мадад.

Қайда эди унга бу шавқу фикрат,
Қайда эди унга улуғвор бу ном -
Улуғбекнинг ўзи бермаса ҳикмат,
Навоий солмаса кўнглига илҳом.

Суянч ота юртдир,
Ота Юртбоши,
Асли Рустам ўзи тенгсиз паҳлавон.
Боладек овози, маъсум қараши,
Ниҳол қадди билан – Рустами дoston.

Ўзбекистон Қазришти, 1994

БИРДАМЛИК

*Шахмат буйича жапон чемпиони
Рустам Қосимов билан*

Пойтахт аэропорти.
Гавжум чунон ҳам.
Ерга тушмас эди сочсанг тапгани,
Гўё чиққан эди мамлакат шу дам
Чемпион Рустамни қарши олгани,

«Балли», «Баракалла» дерди ҳар юртдан
Ҳамма кутлар эди бир-бирин шодон.
Менинг кўзларимдан тирқиради би,
Бизни бирлаштирадинг, раҳмат, Рустамжон!

*Ҳайр С.Қ.Н. билан
Ўзбекистон халқ шоири*

ҚОЙИЛ

*Шахмат буйича жапон чемпиони
Рустам Қосимов билан*

Афсона эмасдир Рустами достон,
Ўзбек қудратига тимсолдир, бале!
Ҳайратдан ёқасин ушлаган жаҳон
Рустамлар майдонга тушган маҳамин.

Бугун кўҳна тарих қўйди исботлаб
Ўзбек фикратининг ёрқин ривожин.
Шохмот оламида не буюк зотлар
Мот бўлиб Рустамга кийдирди тожин.

Зукколар-ку бундан қувончга тўлди,
Аҳли ноқислар ҳам лаб тишлади лол.
Шу зафар баҳона намоен бўлди,
Нималарга қодир ҳурлик, истиқлол.

Ўн учинчи июль - ўн уч ёшида
Мустақиллик олди зако машъалин.
Ўзлигин кўрсатди тарих қошида
Ўзбеклар дунёни ёритгай ҳали.

2004 йил, 13 июль

ЖАҲОНГИР

Ҳарбу сиёсат билан, имон адолат билан,
Дунёни олган эса жаҳонгир Амир Темур,
Олти ярим асрда Рустам заковат билан
Шохмотда жаҳонгирлик тожини кийди мағрур.

Не тонг, Соҳибқироннинг қони оқса қонида,
Уни миллат фаҳри деб ардоқлар она диёр.
Амир Темур – Ватаннинг энг олий нишонига
Темурзода йўлбошчи кўрди уни сазовор.

Кўксида Амир Темур чарақлаб тураркан, бас,
Бундай ўғлон умрбод музаффардир – енгилмас!

2004 йил, 15-18 июль

ЎЗБЕКНИНГ НОМИДАН ДУНЁ НУР ОЛДИ

Менинг кўзларимга ғалат ёш қалқди,
Қувонч қўнғироғи ёшлади уни.
Ўзбегим, бошингда яна бахт балқди,
Ўн учинчи июль – Рустамнинг куни!

Қуёш яқин келди қошингга яна,
Ўғлонинг кўҳна бир дардинг аритди.
Англия сал хомуш, бизда тантана,
У шахмат шоҳларин эрта қаритди.

Байроғинг бошида осмонни ўпди,
Бир Рустам бир миллат юзи бўлолди.
Ҳаваслар, ҳайратлар унга тиз чўкди,
Ўзбекнинг номидан дунё нур олди.

Аждоди аввалдан аслсан, элим,
Худо хушлаганлар руҳи сенга ёр.
Шодлик шевасида тўкилди тилим,
Арзир кўзёш билан қилсак ифтихор.

Ўзбекнинг умридек узун бир йўлга,
Юртбоши меҳрида чиқди ўғлонинг.
Дуолар ярашар очилган қўлга,
Оппоқ каптарларга тўлсин осмонинг.

2004 йил, 13 июль.

ИЗОҲЛАР:

Брахманлар – Ҳиндистондаги олий касталардан бири. Келиб чиқиши бўйича қоҳинларнинг қадимги табақасига мансуб. Қадимда брахманлар қоҳинлик вазифасини ўтаб, қурбонлик маросимларига раҳбарлик қилган. Ўрта аср даврида эса давлат ишларида ҳам қатнашиб, кўпроқ қозилик лавозимини эгаллаган. Ҳозирда кўпчилик брахманларнинг кун кечириш манбаи диний маросимлар билан эмас, балки давлат хизматлари, деҳқончилик ва бошқа юмушлар билан боғлиқ. Ҳиндистондаги ҳукмрон синф ва зиёлиларнинг аксарияти брахманлардир.

Чатуранга – (санскритча чотур – тўрт, анга – қисм) – мил. авв. Ҳиндистонда пайдо бўлган тафаккур ўйини. Қадимги Ҳиндистонда кўшин тўрт қисмга бўлинган: жанг аравадагилар, филбонлар, отлиқ ва пиёда аскарлар. Чатуранга сипоҳлари кўшин қисмларини ифодалаган. Кўшиннинг ҳар бир қисмини рожалар бошқаргани учун чатуранга «чатуррожа» деб ҳам аталган. Чатурангада 32 та (16 тадан оқ ва қора) сипоҳлар 64 оқ-қора катакли тахтанинг 4 четига саккизтадан терилган ва 4 киши иккитадан бўлиб ўйнаган. Юришлар шашхол ташлаш йўли билан амалга оширилган (6 холли томони тушса шоҳ, 5 холли томони тушса фарзин юрган ва ҳоказо). Ўйин рақибларнинг барча сипоҳларини (жумладан, шоҳни ҳам) уриб олгунча давом этган. 5-6 асрларга келиб, чатуранга ўйин қоидаларининг ўзгарган тури чатранг (шатранг, шатранж) деб номланган. Чатрангда сипоҳлар ўйин тахтасининг 2 томонига терилган ва икки киши ўйнаган. Юришлар шашхолсиз амалга оширилган ва ўйин мақсади шоҳни мот қилиш бўлган.

Шатранж – шахматнинг қадимги арабча номи.

Хуросон – Эроннинг шимоли-шарқий қисмидаги тарихий вилоят.

Кушон подшолиги – ўзбек давлатчилиги тизимидаги қадимий давлат. (милодий 1-3 асрлар.)

Табриз, Тавриз – Эроннинг шимоли-ғарбий қисмидаги шаҳар.

Адабий-бадиий нашр

ЗОҲИР ТОШХУЖАЕВ

**РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ –
ЖАҲОН ШАХМАТ ТОЖИ СОҲИБИ**

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Бадий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Техник муҳаррир
Вера ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ
Зокир ЗАМОНОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 10.08.2013 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоғи 2.875. Шартли босма тобоғи 4,83.

Гарнитура «LexTimes Cyr+Uzb». Офсет қоғоз.

Адади 10000 (1 завод 2000) нусха. Буюртма № 220.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

Лицензия рақами: АІ № 081, 2006 йил 18.09 да берилган.

«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кучаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс – 273-00-14; web-сайтимиз: www.ibook.uz

e-mail: yangiasr@ibook.uz; yangiasravlodi@mail.ru

«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» ТАҚДИМ ЭТАДИ:

А.Дюма

«ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО – 1, 2»

Қаттиқ муқова.

Икки китобдан иборат асарнинг бош қаҳрамони Эдмон Дантес – Монте Кристо “Иф” қалъасидан халос бўлгач, разолат ботқоғига ботган инсонларни зур матонат, ақл-идрок билан фош этади. Жазо ҳам, мукофот ҳам Аллоҳнинг иродаси билан инсон тирклигидаёқ уни бенасіб қолдирмаслиги асар ниҳоясида акс этади, фақат, Граф таъкидлаганидек, “кутмоқ ва умид қилмоқ керак”.

Артур Конан Дойл

«ШЕРЛОК ХОЛМС ВА ДОКТОР
УОТСОННИНГ САРГУЗАШТЛАРИ»

Қалин муқова.

Артур Конан Дойлнинг «Йўқотилган дунё», «Заҳарланган минтақа», «Даҳшат водийси» каби асарлари нафақат Европада, балки бутун дунёга машҳур. Ва айни пайтда юртимиз китобсеварларига ҳам яхши таниш.

Бу тўпламда ёзувчининг детектив, илмий фантастика, саргузашт асарларидан саралаб олинган ҳаётий далилларга бой ҳикоя ва қиссалари жой олган.

Чарльз Баскервилнинг ғаройиб тарзда ўлдирилиши одамларни даҳшатга солади. Ҳамма улкан мулк соҳибининг фосиқ аждодлари айби учун жазо сифатида ботқоқ тубидан чиққан даҳшатли ит ҳақида турли ваҳима гапларни айтишади. Хонаки итларидан мутлақо фарқ қиладиган, салобати ўрмон қора айиғини эслатадиган, бир онланинг изига тушган Баскервиллар ити инсонлар каби хуфиёна иш тутади. Фақат бугина эмас, машҳур изқуварлар Шерлок Холмс ва доктор Уотсоннинг қатор жиноятларни фош қилишдаги бир-биридан қизикарли саргузаштларини мазкур китобдан билиб олишингиз мумкин.

1990 йилда «Баскервиллар ити» номи билан нашр этилган мазкур асар китобхонлар илтимосига кўра қайта чоп этилмоқда.

Дансел Дефо.
“РОБИНЗОН КРУЗО”

Инглиз ва ўзбек тилида.

Юмшоқ муқова.

Йигирма саккиз йил кимсасиз ва бепоён оролда ёшган ўн тоналари Робинзон Крузонинг бошидан кечирган саргузантларга бош қатъи унинг бахтли якуни ҳақидаги қизиқарли ҳикоясини баъзи қолдирмайди.

Жюл Верн
“ЎН БЕШ ЁШЛИ КАПИТАН”

Логин алифбосида

Юмшоқ муқова.

Асрлар опа қулдан қўймай ўқиб келинаётган мазкур асарда ёш ёш ёш капитан – Дик Сенднинг бир-бирдан қизиқарли саргузантлари қаламга олинади.

Жумладан, Жанубий Африкада келган хунрезинклар, қуллар савдоси билан боғлиқ аянчли воқеалар, турли хавф-хатарларга қарши капитан Дик ва саёҳатчи дўстлари – хизматчиси Геркулес, мисли Уэддон ва унинг кичик ўғли Жек, хаёлараст олим Бенедикт тоғонин бошидан кечирганлари сизни бефарқ қолдирмайди, деган умид қиламиз.

Ҳина эноси
“КАЛИЛА ВА ДИМНА”

Қалин муқова.

Бу асар, неча асрларки, ҳикмат ва масаллар бобида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Халқ ҳаёти, дарди, аҳли доинилар улуғворани ҳозиржавоблик, донолик акс этгани учун ҳам “Калила ва Димна” таъриф ва тавсифга эга. Ундаги масаллар, ҳикматлар маъна инсонийлик, олижанобликни улуғлайди. Тарбиявий аҳамияти жиҳатидан ҳам ушбу бебаҳо асар бугун-да ўз қийматини йўқотмаган. Ўқинг, уқинг, донолар оламида булинг.

Марк Твен
“ТОМ СОЙЕРНИНГ БОШИДАН КЕЧИРГАНЛАРИ”

Юмшоқ муқова

Кирилл ва логин ёзувларида.

Адиб мазкур асарида ёш, ўта қизиққон ва шўх, чингал тўсиқлардан ҳам қийналмай ўта оладиган, оғир ва мураккаб шароитларда ҳам унинг тута билладиган, улабурон бола Том Соьер ҳақида ҳикоя қилади.

Натан Колю
«АККИМЁГАР»

Юмшоқ муқова.

Ут тақдиримиз ўз қўлимиздами? Мисни олтинга айлантирадиган
Кўлибтар, умумбашар тили, тақдир тошлари аслида мавжудми?
Асарлар, муҳаббат бу йўлда бизга ёрдам берадими ёки аксинча... Асар
қаламшулар ҳақида рамзий бир шаклда ҳикоя қилади.

Рашид Нури Гунтекин.

«ЧОЛИҚУШИ»

Қаттиқ муқова.

Муҳаббат мавзусига бағишланган асарларни миллати ва динидан,
болсан қатъи назар, барча бирдек севиб, кўзига ёш олиб, қаҳрамони
қалбидан ўзини ҳамдард қилиб ўқийди. Рашид Нури Гунтекиннинг
шоҳдур «Чолиқуши» асарини ҳам худди шундай ҳиссиёт билан қўлга
олибди. Унда бу туйғу ўзининг бутун қудратини биргина ожиза –
Чолиқуши тисмолида яққол гавдалантириб беради.

Рабиндранат Тагор.

«НУР ВА СОЯЛАР»

Юмшоқ муқова.

Дунёда ҳар бир халқнинг адабиёт чўққисини забт этган, эл
ардоқлаган улуг сиймолари бор. Ҳинд миллатининг шундай
фаршояларидан бири Рабиндранат Тагордир. У ўзининг ўтқир қалами
билан миллатини уйғотиш, юртини ҳур ва озод кўриш учун курашди.

Стендал

«ҚИЗИЛ ВА ҚОРА»

Қаттиқ муқова.

Машҳур француз ёзувчиси Стендалнинг «Қизил ва қора» романи
ҳақини равишда дунё адабиёти дурдоналари қаторидан ўрин олган.

Роман қаҳрамони бўлмиш Жюльен билан де Реналь хоним
ўртасидаги муҳаббат шу қадар табиий ҳамда тиниқ тасвирланадики,
аптобхон беихтиёр уларнинг мусаффо туйғуларига мафтун бўлиб
қолади.

Романда яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва разиллик ўртасидаги
кўриш зўр куч билан тасвирлаб берилган. Асарнинг «Қизил ва қора»
деб номланишининг боиси ҳам шунда.

Эрнест Хемингуэй
«ЧОЛ ВА ДЕНГИЗ»

Қалип муқова

Ушбу китобга дунё миқёсида машҳур адиб, «Нобел» мунофиқи совриндори Э.Хемингуэйнинг энг сара асарлари киритилган. «Чол ва денгиз» қиссасида инсоннинг улуғлиги, ундаги прода ва матонат оқиллик ва азму қароридан оғишмаслик ўзгача талқинда акс этган.

«Алвидо, қурол» романи эса қаҳрамонларнинг фикр-халқлари кечмишлари, урушнинг инсоният бошига солган муҳим кулфатлари ҳақида ўйлашга, тинчликнинг қадрига етишга чорлайди.

Серқирра ижодкорнинг миллионлаб нусхаларда чоп этилган асарларини мутолаа қилишга шилинг, азиз китобхон.

Жалолиддин Румий
«ИЧИНДАГИ ИЧИНДАДУР»

Юмшоқ муқова.

“Ичиндаги ичиндадур” Мавлоно Жалолиддин Румийнинг турли мажлисларда билдирган ўтлуғ фикрларидан таркиб толган. Сиз унинг рисолали ўқиб, инсон ва олам, онг ва борлик, инкор ва небот, ҳаёт ва амал сингари фалсафий тushunchаларнинг асл моҳиятини англайсиз. Ва ҳамма нарса ўзингизда, ҳамма нарса ўзингиздан эканлигини аниқ бир бор ниймон келтирасиз.

Абдулла Қодирий
«ЎТКАН КУНЛАР»

Қаттиқ муқова.

Кирилл ва Лотин ёзувларида.

Севги кимларни йиғлатиб, кимларни кулдирмаган дейсиз. Шунинг адабиётининг подир асарларидан бири ҳисобланмиш мазкур асарда муҳаббат ўзгача, такрорланмас бадний талқин қилинади. Шунинг билан ватанпарварлик, чақимчилик, андиша, хотинбозлик, муомала, беҳадлик сингари мавзулар ҳам қаламга олинади. Мутолаага шонилсинг.

Алишер Навоий
«ХАМСА»

Қалип муқова.

Мазкур китобда Алишер Навоий «Хамса»сидаги барча дostonларнинг мазмуни баён қилинган. Уларда шоир томонидан тасвирланган турли воқеа-ҳодисалар акс эттирилган, фақат кириш қисмлари, мейёридан чўзилиб кетган манзаралар, монологлар бир от қисқартирилган. Ушбу Навоий дostonларининг насрий талқинини ўқиб чиқиб аллома шоиримизнинг туркий шеърятининг гултожи ҳисобланмиш «Хамса» шеърый дostonларини англаб олишини илтифат ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Ф.И.Ш Юлдашбаева Шозага

Ифтихоришингиз/ва гурухингиз

МММ - 15'2

Баталиқ сўзингиз

Миллатимизга эътибор
қўйиши билан
қўлдан келтирилган



Акция 2019

ИМЗО _____





ЭНГА АСУ АЙЛАДИ

ISBN 978-9943-08-678-4



9 789943 086784